

Ishonch

**Insonga naf
keltirish —
oliy baxt**

2008-yil 12-iyun
№ 71 (2484)
payshanba

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta * E-mail: ishonch-doverie@mail.ru * Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan



3 **Ота — уйнинг
султони**

Миссионерлик
ичдан бузиш демакдир



4

**Буюк адиб
79 ёшида
оламдан ўтди**



15

Ракурс

«Дастурхонингизда нималар бор?..»

Битирувчи курс бўлганлигимиз боис давлат имтихонларини топшириш арафасида тургандик. Хамма хаяжонда. Кўнгилга «Кийналиб қолмасмиканмиз?» деган ўй келавради. Маслаҳат учун йиғилдик. Хар холда «чай-пой» ташкил қилиш деган анъана бор. Хисоб-китобларга кўра, икки юз минг атрофида пул йиғилладиган бўлди. Кимлардир бунча пул беришга қарши, биллими «мундайроқ»лар эса дастурхон яхшилаб тузалса, осонроқ баҳо олишга умид тиккан ҳолда кўпроқ йиғишни таклиф қиларди...

Олти йиллик сабоқ даврида бундай ҳодисаларга тез-тез дуч келдик. Ўйлаб қоламан, дастурхон меҳмоннавозлик белгисими ёхуд баҳо олиш воситаси? Нега айнан давлат имтихони вақтида талабалар ўқитувчиларнинг тушлиғи учун пул йиғиши, ижобий баҳо олиш истагидагилар уларни шаҳарнинг номдор ресторанларига олиб бориши керак?

Дастурхон тайёрламаган талабанинг баҳосини пасайтиришга чоғланаётган устоз қайси ҳақиқатга таянаркин? Кези келганда минг сўмлик китоб сотиб олишга қимтинган, баҳо олиш учун эса мингминглаб пул сарфлаётган талабачи? Бу — иллат. Иллатки, жамият аъзолари кўнглига билдирмасдан жойлашиб, порахўрлик касаллигини келтириб чиқаради. Бунинг аввал УСТОЗлар илғашди, бу хавфнинг олдини олиши керак. Шунда толиби илмлар орасида қайси ўқитувчининг «ставка»си қанчалигини билишга қизиқувчилар камаярмиди?..

Дарвоқе, мунозарамизнинг якуни ўзидан-да ажойиб бўлди: имтихон бошланиш арафасида биринчи гуруҳдан имтихон олган ўқитувчилар ҳеч қандай дастурхон тузамаслигимизни тайинлашди, бошқа йўналишдан имтихон олганлар эса дастурхон «шайтон суви»сиз бўлмаслигини буюришди...

Дилдора РАҲМОНОВА



**Ассалом, оромтоҳ!
Ассалом, таятти!**

Икром ХАСАНОВ олган сурат



Маза қилиб дам оламиз

дейишмоқда қорақалпоғистонлик болалар

Оролбўйидаги экологик вазият аввало инсонлар соғлиғига хавф солаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг олдини олиш учун мамлакатимизда бир талай ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар йили ёзда қорақалпоғистонлик болаларни юртимизнинг сўлим гўшаларида дам олдириш анъанага айланган. 10 июн куни пойтахтимизнинг «Жанубий» темирйўл вокзалида Қорақалпоғистондан келган илк гуруҳ кутиб олинди. Оролбўйлик 380 нафар бола Тошкент вилоятида жойлашган «Меҳр-

жон», «Гулбаҳор» ва «Белдирсой» соғломлаштириш оромгоҳларида ёзги таътилни мароқли ўтказишди. Бу йил Тошкент шаҳар корхона ва ташкилотлари тасарруфидаги 22 та оромгоҳда пойтахт меҳнатқиларининг ўғил-қизлари, кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандлари, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, касаба уюшмалари болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари — жами 42 минг нафар болани дам олдириш кўзда тутилган.

ҳавзаси, мўъжизалар майдони, футбол, бокс, теннис майдонлари, ҳар хил тўгараклар шай қилиб кўйилди, — дейди «Меҳржон» оромгоҳи раҳбари Хосият Турғунбоева. — Болалар беш маҳал иссиқ овқат билан таъминланади. Оромгоҳимизни «Меҳржон» фермер хўжалиги мева ва сабзавотлар билан таъминлайди. Бундан ташқари, ушбу хўжалик гўшт ва сут маҳсулотларини ҳам мунтазам равишда етказиб беришни зиммасига олган.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳаракат жавобсиз қолмайди

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши 1998-99 ўқув йилидан бундан иккитдорли ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус стипендия таъсис этиб келмоқда. Айни пайтда стипендиатлар сони 100 нафардан ошди.

Яқинда Ёшлар йили муносабати билан олий ўқув юртиларида таҳсил олаётган талабалардан 5 нафарига махсус стипендия гувоҳномаси ва ўрта махсус ўқув юртиларидан ўн нафар талабага эътибор билан таъинланди.

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг стипендияси 2007-08 ўқув йилининг якулиги бўйича олий ўқув юртиларининг талабалари Н.Зиёдуллаева, Ф.Маманосилов, В.Поселдова, З.Хожамуратова, Н.Эшбековга энг кам иш ҳақининг 12 баробари миқдорда берилган бўлди.

— Ҳар қандай ҳаракат жавобсиз қолмайди, — дейди Сирғали туман ишлаб чиқариш касб-ҳунар коллежи касаба уюшма кўмитаси раиси Галина Осадчая. — Талабаларга турли ташкилотлар томонидан таъсис этилаётган бундай стипендиялар уларнинг ўқишга ва жамоат ишларига бўлган қизиқишларини кучайтириб юборди. Аълочи ва ташкилотчи талабаларга қўрсатилган эътибор ўз самарасини бермай қолмайди, албатта.

Д.АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Самарқанддаги «Элҳолдинг» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотларига талаб катта. Корхона миқозлари сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Маҳсулот хорижга

Ўтган саккиз йилда таълим муассасаларига 7166 та фан кабинет жиҳозлари етказиб берилди. Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш устида тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Амалдаги йилда 30 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 10 хилдаги лаборатория жиҳозлари тайёрланмоқда. Корхона Осиё тараққиёт банкининг таълим тизимини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларида иштирок этиб, ўқув даргоҳларини жиҳозлашга қаратилган узоқ муддатли кредитлар самарадорлигини таъминлашга ҳисса қўшаяпти. Шунингдек, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар Россия, Қозоғистон, Озарбайжонга экспорт қилинаётган. Яқиндан бошлаб улар сафига яна учта давлат — Туркменистон, Украина ва Латвия қўшилди.

Корхонада тайёрланаётган ихчам, ҳар жиҳатдан қулай ва юк ташишга мўлжалланган «Элдош» русумли мотоцикллар харидорлари ҳам тобора ортиб бораётган. Бу йил 1500 та ана шундай замонавий улов ишлаб чиқариш мўлжалланапти.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Бўстонлик томонларда

ХОДИМЛАР РАҒБАТЛАНТИРИБ БОРИЛМОҚДА

Бўстонлик туман маданият ходимлари касаба уюшмаси аъзолари сони 187 тани ташкил этади, шундан 53 нафари аёллар. Улар туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Марказий маданият саройи, туман «Киновидео» МЧЖ босма-хонаси, «Бўстонлик овози» газетаси таърифида ишлайди.

Жамоа шартномасига асосан иш бевузи томонидан ходимлар рағбатлантириб борилмоқда. Масалан, таърият ва босмахонаси, ходимларига ташкилот ҳисобидан 488.619 сўм маблағ берилди.

Ходимлар ва касаба уюшмаси фаолларининг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида семинарлар ўтказилди.

Босмахонада зарарли шароитда ишлайдиган ишчиларга касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда кўшимча дам олиш кунлари белгиланди.

Марказий маданият саройида эса 700 минг сўмлик таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида бу ерда 14 та тўгарак фаолият кўрсатилмоқда. Мактабдан ташқари муассасаларда эса 9 та тўгарак ишлаб турибди.

Нуриддин МУТАЛОВ,
Бўстонлик туман маданият ходимлари касаба уюшма кўмиталари раислари кенгаши раиси

«Полимер» масъулияти чекланган жамиятининг Янгиер шаҳрида иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Ўтган киска вақт ичида ушбу жамоа нафақат шаҳарда, балки вилоят миқозидо довлруг қозонди.

Шаҳар ҳудудида ташландиқ ҳолга келиб қолган собиқ маиший хизмат кўрсатиш уйи қайта таъмирланди. Тадбиркорлар Жаҳонгир Бадиров ва Ваҳоб Келдиёровлар аҳолининг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини инобатга олиб черепица ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қарор қилишди. Катта сармоя эвазига замонавий дастгоҳлар, асбоб-ускуналар ўрнатилди. Қўлида яхшигина ҳунари бор, бироқ бекор юрган 20

нафар бўз йигитга ҳам иш топилди. Қисқа фурсатда корхонанинг номи тилга тушди, вилоятдаги

«Полимер» черепицалари

кўплаб корхона, ташкилотлар, янги уй-жой қураётган ёш оилалар жамоанинг доимий миқозига айланди.

«Полимер» МЧЖ ҳар ойда ўз миқозларига 30-35 миллион сўмлик сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Келгуси ойларда бу кўрсаткични 40-45

миллион сўмга етказиш мўлжалланган. Энг муҳими, корхонада иш ўринлари тобора кенгайиб, ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги кундан-кунга ошиб бормоқда.

Меҳнат аҳли ўртача 120-130 минг сўм миқдорда иш ҳақи олмоқда. Иброҳим Келдиёров, Нуриддин Яхшибоев, Алижон Бобоёров каби илғор ишчилар иш режаларини ошири билан бажариб, барчага ўрнак бўлишяпти.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Комила Собирова Қарши шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 26-ўрта мактабда йигирма йилдан бери ўқитувчи бўлиб ишлаб келарди. Ўтган йилнинг май ойида таълим маскани раҳбари буйруғи билан ишдан бўшатилди.

Ноҳақликка чидай олмаган муаллима таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг вилоят кенгашига мурожаат қилди. Жабрдийданинг аризаси кенгаш ҳуқуқшуноси Ниёз Пардаев томонидан синчиклаб ўрганиб чиқилди.

Вилоят кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 11-, Меҳнат Кодексининг 8-, 9-, 111-, 112-, 271-, 272-, 273- ва 274-моддаларига асосан мактаб маъмуриясига тақдимнома киритилди.

Ҳақ жойида қарор топди. К.Собирова вазифасига тикланди.

— Меҳнат шартномаси аниқ бир ходим билан тузиладиган индивидуал ҳужжатдир, — дейди биз билан суҳбатда тажрибали ҳуқуқшунос Н.Пардаев. — Шунинг учун уни олдиндан ишлаб чиқилган барча ҳолларда қўлланаверадиган қандайдир универсал вариантга айлантириш мум-

кин эмас. Айни пайтда шун ҳам назарда тутиш керакки, ҳар қандай меҳнат шартномаси бир қатор умумий талабларга жавоб бериши, унга меъёрлари

Қаътият

ва муассасанинг локал ҳужжатларига нисбатан ходимнинг аҳолини ёмонлаштирадиган шартлар киритилмаслиги керак.

Нишон туманидаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг ўқитувчилари Баҳодир Темиров ва Мамаюсуф Полвоновнинг таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашига ёзган аризаси кўриб чиқилди. Шикоят мактубида коллеж ўқитувчилари ўзларининг ноқонуний ҳолда иш-

лаб турган лавозимларидан озод қилинганликларини баён этган эдилар.

Коллеж раҳбарияти ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа шартномаси, ҳудудий тармоқ келишуви ва Меҳнат Кодексида назарда тутилган касаба уюшма кўмитасининг розилигини олиш талабига амал қилмасдан, ноқонуний буйруқ чиқарган. Бундан ташқари, Меҳнат Кодекси-

Касаба уюшмаси ҳимоя қилди

нинг 132-моддаси 7-банди талаблари кўпол равишда бузилиб, ходимлар уч кун олдин огоҳлантирилмаган.

Сансалорлик барҳам топди. Б.Темиров ва М.Полвонов ўз вазифаларига тикланиб, уларга мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақлари ундириб берилди.

— Файриқонуний ҳар бир хатти-ҳаркатга вақтида принципа баҳо берилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда таъ-

лим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Шодмон Кубаев. — Ҳуқуқ-тартибот идоралари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида «Педагог-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда келгусидаги вазифалар» мавзусида бир неча бор ўқув-семинарлари ўтказилди.

Қарши шаҳридаги 31-мактабга тарбия муассасаси тарбиячиси Нилуфар Бозорова, Косон тумани халқ таълими бўлимига қарашли мактаблараро ўқув, ишлаб чиқариш маркази директори Худойберди Қодиров, Китоб туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактаби директори Нишон Сатторов, Қарши иқтисодий коллежининг ўқитувчиси Дониёр Фаниев, вилоят халқ таълими бошқармаси ҳисобчиси Хадича Қултоева, Қарши давлат университети тасарруфидаги тил маркази муаллимаси Сурайё Раҳмонова ва бошқалар касабакўм аралашуви билан ишларига тикландилар.

Иzzат ХИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Хай тахрирсиз босилмоқда

Ассалому алайкум, мен учун кадрли бўлган

«Ishonch» газетаси тахририяти!

Газетангизнинг 68-сонида чоп этилган «Ота ибрати ҳақида сўз» мақоласини ўқиб, беихтиёр юрагимнинг тўрида уйғонган ўртаниш ва ўксиниш туйғуларидан айримларини қаламга олишни ихтиёр этдим.

Албатта, мақоладаги қахрамонларни, яъни Жуманазар ака ва Абдужаббор ҳожи оталардек улугларимизнинг ибратли ишларини элга истаганча кўз-кўз қилсак арзийди. Минг афсуски, бундай улуг инсонлар билан бир заминда яшаб, бир ариқ сувини ичиб, белига белбоғ, бошига дўппи кийиб, кўкрак кериб юрадиган «оталар» ҳам орамизда шу кунларда кўпайиб бораётгандек туюлади менга. Уларнинг ўзи кўчада улфатлари билан энг сара тамадихоналарда улфатчилик қилишади, уйларида эса кекса оталари ёки фарзандлари фақат ёвгон (пиёва) ичишади. Бу ҳолат улар учун оддий ҳолатга айланиб кетган. Уша улфатлари унга бугунги давлати ва вазифаси учунгина гирдикапалаклигини у хаёлига келтирмайди. Биз эса унга айтиб ҳам тушунтира олмаймиз. «Ёг ялаганда ёт яхши кўринадиди, қон ялаганда қариндош», деган ибратли нақлни бундайларга уқтириб кўринг-чи. Яна бир хил бошда дўппили, эгнида тўн-белбоғли «башанг» оталар ҳам борки, тўй қилганида тўйига топганини фақат казо-казолар олдиға ёзади. Унинг кунига яровчилари — маҳалладошлари, ота-онаси, бошқа туғишганлари-ю кўни-қўшниси эса эътибор ҳам қилинмайди. Еб кетувчилар-ку кетади, лекин унинг оғирини енгил қилувчиларни, оғир кунда елкадош бўлувчиларни унинг кўзи қачон кўраркин? Ҳали ҳам биз ўзбеклар кечиримли, узоқни ўйловчи одамлармиз...

Юқоридагидек оталарнинг «ибрати» ишқилиб ёшларимизга юқмасин-да.

Соппа-соғ бўла туриб, хотини ёки сингиллари топиб келган нарсаларни еб-ичиб, ҳатто керилиб машина минадиган оталарга бирор изоҳ бериб бўларми?

Жуманазар акадек инсонлар ўз маблагларидан ҳожатбарорлик қилаётган бир даврда, ташкилотларни

Ота — уйнинг султони



«вайрон» қилиб, ундаги бор-будларни сотиб жигилдонига ураётган, ҳатто юзлаб ишчини ишлатиб ойлик маошини беришни йиллаб ўйламаётган оталар ҳам бор. Болалар ҳақини, етим-есирлар ҳақини ҳеч тап тортмасдан кемираётганлар, ижтимоий ёрдамга муҳтожларнинг кўзини «бўяётган» оталар ҳам эртанги кунни ўйлашармикан? Ишчинини мавсумда ишлатиб, ҳосил тайёр бўлганида баҳона топиб, уни ҳайдаб юборадиган «ишбилармон»лар ҳам йўқ эмас. Ундайларни ҳам белбоғли оталар сафига қўшса бўлармикан? Бундай оталар ибратидан Аллоҳ асрасин-а?!

Олдинроқ туманнинг Жейнов қишлоғида узоқ йиллар раҳбар бўлиб ишлаб келган, вилоятда ҳам ўз ўрни бўлган бир киши оламдан ўтди. Жаноза ўқишдан олдин у ҳақида кўплаб жуда ибратли ишларини тилга

олишди. Лекин эл имомини, «Эй аҳли мўмин, бу инсон бир неча йиллардан буён узлуксиз мана шу мазористон ва масжидни ўз ҳисобларидан таъмирлаб келмоқда эдилар. Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмасликни мендан илтимос қилган эдилар. Бугун бунини Сизларга билдиришни лозим кўрдим», деганида барчанинг кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Мана бу эмасмикан ҳақиқий белида белбоғли бўлган ОТАнинг ибрати. Бу эмасмикан ҳақиқий ЎЗБЕКнинг ибрати. Мана орият, мана ҳамият.

Усаётган фарзанднинг ҳеч бири ота қарғишини олмасин. Ота қарғиши бедаво.

«Ота рози — худо рози. Отанг ғазабга келса, худо ҳам ғазабга келади», каби ибратли ҳадислардан фарзандларимиз ибрат олиб яшашларини биз жуда хоҳлардик. Шохсатрларда «Ота-онасини танимаган тангрини танимас», дейилган. Ҳазрат Али Шохимардон Муртазо «Ота-онасига содик фарзандларни жаннат гулларига қиёс қилса, арзийди», деган ибратли сўзларининг баҳоси бормикан?

Ахир ота — уйнинг султони. Борлиқни бор қилувчи — яратувчи инсон.

Биз ўзбекларда ОТА — ўз ташвишидан кўра фарзанди ташвиши билан яшайдиган улуг зотдир. Бир умр фар-

занд ҳақида ўйлаб, уни камолоти учун қайғуриш, биздаги энг ажойиб, бошқа миллатларга ибрат бўлувчи фазилатдир. Ҳурматли А.Абдураззоқов ёзганларидек: «...Чунки ўзбекнинг оталик юки, оталик мартабаси ва шон-шавкати жамланган «Отанг ким?», деган қаттиқ сўроғи бор. Белда белбоғи бор эркак борки, фарзандларим шу сўроққа кўкрак кериб, жавоб бериб юрсин, деб яшайди».

Демокчиманки, ОТА деган улуг мавқега эга бўлган ҳар бир ота, ўзи ҳаётда ибратли яшаса, келажақ авлодга ҳам ундан арзирли ибрат қолса. «Отанг ким?» саволига бирдек бошини юқори кўтариб, ғоздек керилиб, мағрур жавоб беришдек сифат барчага насиб этсин. Бундан-да буюкроқ ибрат ва бахт бўлмаса керак. Илоҳо, шундай улугворликлар оталарга ва давомчилар бўлган биз фарзандларга насиб қилсин.

Алланазар ШОМИРЗАЕВ,
Миришкор тумани,
Гулистон кичик маҳалласи


Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинишича, у киши «Аллоҳ таолонинг рози бўлиши отанинг рози бўлишига ва унинг ғазаби ҳам отанинг ғазабига боғлиқдир», дедилар.

Имом Бухорий, «Ал-адаб ал-муфрад»

Абдуллоҳ ибн Динор (р.а.)дан ривоят қилишларича, Расуллоҳ (с.а.в.) «отанг дўст тутган кишиларнинг дўстлигини сакла, улар билан алоқани ўзма! Агар алоқани ўзсанг, Аллоҳ таоло сенинг нурингни ўчириб қўяди», - дер эдилар.

Имом Бухорий, «Ал-адаб ал-муфрад»

Маассуф!



— Аттанг, олти ойга кечикиб-сизлар...

Дарҳақиқат, дарахтдан мева оламан, деган киши ниҳол парва-

мова Сайёранинг туғилган кунини нишонлашга боришади. Бу орада тунги қоровулликда бўлган поччаси Мурод Ҳакимов келиб,

эса бундан қаттиқ таъсирланади. Холасиникидан ошхона пичоғини олиб, поччасининг изидан шаҳардаги Обиҳаёт кўчасида жойлашган мебел ишлаб чиқариш корхонаси томон жўнайди. Уша кунни ўч олиш мақсадида Мурод Ҳакимовнинг қорнига пичоқ санчиб, қочиб кетади. Шу биргина зарб жабрланувчининг ҳаётига нуқта қўяди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон шаҳар суди вояга етмаган Акмал Расулов иши юзасидан ҳукмини ўқиб эшиттирди. Унга кўра, қўли қон бўлган бола 7 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Ким билсин, Акмалжон ҳам қон ёки совуқ қуролдан сесканиброқ ўсганида, катталар ишига аралашши ахлоқ меъёрларига зид эканлигини билганида, эҳтимолки биз яна бир навниҳолни бой бермаган бўлармидик...

Маҳкам ҲАМИДОВ,
Каттақўрғон шаҳар прокурори

Қўллари қон болакай

риш қилади. Агар у жойида эгри битса, минг тобинини олган билан исталган майлга эгилмаслиги тайин. Бола тарбияси ҳам шундай. Қани энди барча болалар ота-оналар орзу қилгани каби босиб, саб-ри ва одобли бўлиб вояга етса...

Каттақўрғон шаҳрида яшовчи Акмал Расулов онаси ва опаси билан биргаликда холаси Ҳаки-

даврада қандайдир сабабга кўра жанжал чиқади. Масала шу даражага етадики, Мурод хотинининг туғилган кунини эканлигига ҳам қарамай Акмалга тарсаки тушириб, кўнгилхиралик билан ишига қайтиб кетади. Ёв қочса, мард кўпаяди деганларидек, эр чиқиб кетгач, унинг шаънига ҳар хил гаплар айтилади. Ёшгина Акмал

Кунларнинг бирида ибн Синодан ёш эр-хотин маслаҳат сўрашади:

— Эй донишманд, фарзандимизни тарбия этишни қачондан бошлаганимиз маъқул?

— Болангиз неча ёшда? — сўрайди ҳақим.

— Олти ойлик.

Истиқлолдан кейин юртимиз дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллади. Бутун дунёга очилган эшикларимиздан эзгу ниятли меҳмонлар билан бирга қора ниятларга тўла «қоп»ларини елкалаган «сайёҳ», «мураббий», «оқ кўнгилли»лар ҳам кириб кела бошлади. Баъзан миссионерлик ҳаракатларини юритаётган инсонлар ҳақида эшитиб қоламиз. Ана шу масалаларга ойдимлик киритиш мақсадида имом Бухорий номидаги Тошкент Ислам институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Абдурахмон Гофуров билан мулоқот уюштирдик.

— Фан, маданият ва таълим бўйича халқаро Ислам ташкилоти (ISESCO) томонидан ўтган йили Тошкент шаҳри «Ислам маданияти пойтахти» деб эълон қилинди. Шу муносабат билан маънавийтимизнинг шаклланишида диннинг ўрни ҳақида гапириб ўтсангиз.

— «Мени ҳеч ким кўрмапти» деган фикр инсонни ёмон йўлларга бошлайди. «Мени Аллоҳ кўриб турибди» деган фикр-чи?! Шак-шубҳасиз, ўзини Аллоҳ кўриб турганини ҳис қилган киши энг пана жойларда ҳам гуноҳ ва жиноятлардан тийилади. Инсонга яхшилик қилишни, ҳеч кимсага озор бермасликни, илмга даъват қилишни одат қилади. Ўзи айтган сўзларга амал қилиб, ҳам жисман, ҳам руҳан покланади. Инсонга мана шундай ажойиб ҳисларни, албатта, дин беради.

Ваҳоланки, материализм гоёсига асосланган мафкура даврида фақатгина моддиятга эътибор қаратилар эди. Ҳалигача эсимда, 1986 йили Ўзбекистон компартиясининг XXI съезди бўлган, унда атеистик тарбия энг муҳим омиллардан эканлиги қатъий таъкидланганди. Масжидлар сони жуда оз эди. Диний адабиётларни уйда сақлаш катта муаммо бўлган. Ҳатто, эшитган бўлсангиз керак, ўлганларга жаноза ҳам ярим яширин ўқилган. У даврнинг тафсилотлари бугун афсонадай туюлади. Бугунгидай кунларга етказган Аллоҳга беадад шукрона айтмоғимиз лозим.

— Афсуски, ичимизда галамислар ҳам йўқ эмас. Турли хил ташвиқотчилар пайдо бўлиб, юртдошларимизнинг эшикларини


қоқиб, йўлдан оздиришга уринмоқда. Бундай ҳолат олдинлари ҳам бўлганми?

— Собиқ иттифоқ даврида диний фаолият кескин тақиқлангани учун миссионерлик у даврларда кузатилмаган. Бу нарса ўн-ўн беш йилнинг нари-берисида авж олди. Маҳаллий аҳолини ўзга динларга тарғиб этишлар, турли гуруҳларга ҳар хил йўллар билан

лаштириш шиори остида иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан ғарб давлатлари таъсир доирасига олиш.

2. Халқларда ўз динига нисбатан шубҳа уйғотиш ва бузилган динлар таъсири остига олиб, ўзларининг «майдон»ларини кенгайтириш.

Миссионерлар бу мақсад йўлида барча найранглари ишга солишдан қайтмайди. Ёрдам кўрсатиш, тиббиёт, озиқ-овқатлар тарқатиш, маълум халқнинг урф-одатларига мослаштирилган китобларни бепул тарқатиш ва ҳатто моддий томондан яхшигина қувватлантириш каби воситалар уларнинг иш услублари ҳисобланади. Шунингдек, бепул тил, компьютер таълими курслари ташкил қилиб, фолларни чет элга «ўқиш»га



Миссионерлик

ичдан бузиш демакдир

бириктиришлар кўзга ташланиб қолди. Аммо, Яратганга шукурки, бундай хуружлар бартафариқ этилди. Лекин ҳамон ўз динини яхши билмайдиган юртдошларимизни пана-пасткам жойларда йўлдан оздиришлар содир бўлмоқда. Миссионерлар одатда Куръон оятларини тескари талқин қилиб, ҳадисларни бузиб кўрсатадилар. Ўзлари нашр қилинган китобу варақаларига оятларнинг бузиб талқин қилинган қисмларини кўшиб ёзадилар. Шу зайлда динни бузиб кўрсатиб, ўзларининг мақсадларига йўл очадилар.

— Бундан кўзланган асл мақсад нима?

— Уларнинг мақсадлари икки нуқтада жамланади:

1. Халқларни насроний-

жўнатишлар ҳам бўлади.

Баъзи ватандошларимизнинг уларга эргашиб кетаётганига биринчи сабаб — ўз динимиз моҳиятининг оммага яхши етказилмаганлигида. Мана шу бўшлиқни миссионерлар уddaбурунлик билан эгаллашга уринмоқда.

— Шу ўринда диний экстремизм ва терроризм ҳақида ҳам икки оғиз айтиб ўтсангиз.

— Экстремизм — ақл бовар қилмас даражада ҳаддан ошиш деган маънони берса, терроризм — кўпуровчилик йўли билан жамиятда беқарорликни келтириб чиқарувчи сиёсий кураш усули ҳисобланади. Булар миссионерлик ҳаракатларининг ваҳшиёна кўринишларидир. Энг

ёмони, юртимизга уюштирилган бундай ҳаракатларда Ислам дини ниқоб қилиб олинди. Бу эса динга нисбатан шубҳа уйғотди. Шунинг учун Исламни ҳимоя қилиш асосий вазифамиз ҳисобланади. Зеро, Президентимиз айтганидек: «Ислам ота-боболаримиз динидир. Уни ташқи таъсирлардан, ёт унсурлардан тозалаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир».

— Миссионерлардан маънавийтимизни ҳимоя қилиш йўлида қандай ишлар олиб борилмоқда?

— Аввало, динимизга бўлган эътиборнинг ҳосиласи сифатида қад ростилаган юзлаб тарихий-диний обидалар, икки мингдан зиёд масжиднинг замон талаби даражасида таъ-

мирланиб, қайта қурилганини эътироф этиш ўринли. «Ҳазрати имом» мажмуаси қаторида бизнинг институтни ҳам кўрган бўлсангиз, ҳавас қилгудек гўзал жойларга айланган. Ана шундай жойларда Ислам дини тарғиботи давомли равишда ўтказиб борилмоқда. Ёшлар йили муносабати билан «Исламда ёшлар тарбиясига эътибор» мавзусида ўтказган тадқиқотларимиздан шундай хулосага келдикки, қайси миллат қайси даврда ўз ёшларига эътибор берган бўлса, шу миллат ўша даврда буюк чўққиларни забт этган экан.

Бугун ёшларимиз дунёвий билимлар билан бирга диний билимларни ҳам ўзлаштирмоқда. Бу эса уларда ҳар томонлама мустақам ва тўғри эътиқод шаклланаётганидан далолат беради. Модомики, ёшларимиз динимиз моҳиятини ўрганиб, дунёдан ҳам хабардор бўлаётган экан, миссионерлик ҳаракатларига ўз-ўзидан бу дийёрда ўрин қолмайди ва бундай ҳолатларга албатта чек қўйилади.

Сўхбатдош:
Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири



Қарши тумани «Навбахор» маҳалласида истиқомат қилувчи Гавҳарой Раҳмонова Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидеда бинойидек ўқиб юрарди. Тақдир тақозиси билан Байрамали Темировга турмушга чиқди ва унинг қистови билан ўқишини ташлаб, «ҳизбут-тахрир»чилар сафига кириб қолди. — Қилган ишимдан изтиробдаман, — дейди Гавҳарой. — Умр йўлдошим ҳам диний-экстремистик оқимга кириб қолганлиги ва нохуш хатти-ҳаракатлари учун жазосини олди. Айрим кимсалар мени тур-

Қашқадарё вилоятида «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»ги Фармон асосида олиб борилган кенг камровли тушунтиришлар натижасида 11 киши «Хизбут-тахрир» диний экстремистик оқимига билиб-билмай кириб қолганлиги сабабли чин кўнгилдан пушаймонлик баён этиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ариза билан мурожаат қилганди. Улардан 8 тасига нисбатан жиноят иши кўзгатиш рад этилган. 1 нафарига кўзгатишдан жиноят иши ҳаракатидан тугатилган, 2 таси Фармонга мувофиқ авф этилган.

муш ўртоғим йўлидан боришга даъват этишди. Вилоят, туман хотин-қизлар кўмитаси, маҳалла фаолларининг панд-насихатларидан тўғри хулоса чиқариб, ҳаётда ўз йўлимни

аёллар қанотига аъзо бўлиб, Л.Ҳошимова, Н.Тўраева, О.Нурова, Ф.Маҳзунова ва М.Дотқаева, Г.Раҳмонова, М.Турсунова сингари хотин-қизларни ҳам диний оқимга жалб этган.

Ёлгон ақидага уғриб...

топиб олдим. Ҳозир «Юлдуз-чевар» маиший хизмат уйида тикувчилик қилаяпман.

Афсуски, орамизда динни ниқоб қилиб олиб, бойлик орттиришга интилаётганларнинг тарғиботчисига айланганлар ҳам учраб турибди.

Қарши тумани Куйибешкент маҳалласида яшайдиган 27 ёшли Д.Ўринова ҳам ёлгон ақидага учган аёллардан. У «Хизбут-тахрир»нинг

— Худудимизда алданиб норасмий оқимга кириб қолган кишилар, айниса, улар орасида хотин-қизлар борлиги кўпчиликни ташвишлантирмоқда, — дейди тумандаги «Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий масалалари бўйича маслаҳатчиси С.Эшмуродова. — Улар маҳалладошлари, қариндош-уруғлари норозилигига қарамай за-

рарли гуруҳларга қўшилишган. Олиб борилган тушунтиришлар туфайли Махлиё Дотқаева диний оқимдан чиқди.

— Ислам — тинчлик ва эзгулик дини, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг вилоятдаги вақили Исмоил хожи Райҳонов. — Тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳар бир соф ниятли кишининг бурчи бўлиши керак.

Моҳинисо Раҳмонова, Озода Рашидова, Шарофатхон Инъомова, Зулайхо Ҳаққулова, Зоҳида Ҳақимова ҳар хил ваъдалар билан хотин-қизларни норасмий ташкилотга жалб қилиш билан шугулланганлар.

Инсон ҳаётда адашиши, ноқонуний хатти-ҳаракатини ҳар доим ҳам яхши англаб етмаслиги мумкин. Аммо у ўз хатосидан, содир этган жиноятдан тўғри хулоса чиқара олиши зарур.

Косон туманида туғилган Руслан Ҳақбердиев «Исламчи жиҳодчилар» диний-экстремистик гуруҳининг аъзоси бўлиб, Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида ижарага олинган хонадонда Н.Ҳайдаров, Ф.Эшқулов, Б.Сатторов, А.Қодиров, Д.Тўхтаева, Н.Одинаева, С.Хушвақтова, М.Жалолов иштирокида Ўзбекистоннинг давлат тузимини ағдариш ва ислом халифалигини ўрнатишга қаратилган машғулотлар ўтказган. Экстремистик гуруҳ аъзолари жиноятга яраша жазо олишди.

Иzzат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳар ерда бор тошу тарози...

Беруний туманидан жўнашга шайланиб турган «Цитро» русумли автобусга чиқдим. Автобус шитоб билан йўлга тушди. Беруний, Тўрткўл, Амударё ортда қолди. Қийирлаган кир ошар деганларидек, сахрони-да босиб ўтдик. Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари ортда қолиб, Жиззахга етдик. Дарахтзор ўртасида жойлашган чойхона томон бўрилиб, теракзор орасидаги ўй ёнида тўхтадик. Тун ярмидан ошган бўлиб, автобусимизни бошқараётган гуруҳ аъзолари негадир безовта кўринишарди.



— Ҳеч ким жойидан жилмасин! Жимгина ўтиринглар, яхшиси ухланглар! — деди улардан бири.

Бироқ тушовлаб кўйилгандек, қисиниб ўтирган йўловчилар гурр этиб ташқарига ёпирилди. Шунда уларнинг аксарияти навқирон йигитлар эканлигини, хотин-қизлар жуда камлигини фаҳмладим. Ҳайдовчи ва шериклари қўл телефонида кимлар биландир тез-тез боғланиб туришди. Бу ерда анча вақт қолиб кетдик. Яна бир неча автобус келиб қаторимизга кўшилди. Гап-сўзларидан ҳайдовчиларнинг нариги автобусдагилар билан бамааслаҳат иш тутишганини пайқадим.

Бир пайт қора чарм камзулли, сипогина йигит автобусларга бир-бир кириб чиқа бошлади. Бизга навбат келгунга қадар ҳайдовчилардан бири югуриб кириб огоҳлантирди:

— Тошкентга кетаяпмиз денглар.

Дарҳақиқат, қора чарм камзулли бизнинг ҳам автобусимизга бош суқиб, ўтирганларга синчков назар ташлади.

— Қаёққа кетаяпсизлар?! — Тошкентга, — деди барча.

Шундан сўнг унинг кўнгли тўлди шекилли, шериклари билан изига қайтди. Яна йўлда давом этдик. Энди вазиятни зимдан кузатиб борардим. Тошкент ви-

лоятга етганимизда ғирашира тонг ёришди. Нотаниш кўчалардан ўтиб, муюлишда тўхтадик. Қизиқсиниб, дераза пардасини суриб ташқари-

Адашган турналар

га қарадим. Биздан сал нарида турнақатор тизилиб талай автобуслар турар, тўда-тўда бўлиб турган одамларнинг ҳисоби йўқ эди. Фала-говурда «Черняевкадан ўтамиз» каби сўзлар қулоққа чалинар, микроавтобусларга чиқиб ўтираётганлар ҳам кўзга ташланарди.

Шундай қилиб бизнинг автобус ҳам бўшади. Ҳайдовчилар бошлиғи, қориндор киши елкасидан тоғ ағдарилгандек енгил тин олди. Йўловчилардан ҳайдовчилар гуруҳининг таниши (йўлда фаҳмлагандим) қорача аёл билан каминна қолдик, холос. Автобус энди бизни олиб, Тошкент отчопари сари йўл олди. Кун баралла ёйилди. Манзилга етиб келдик. Тилимни тия олмадим, тушаётиб, қориндор кишига:

— Йигитларни шу тарзда

Қозоғистонга ўтказиб юборар экансизлар-да, — дедим.

У ҳадикданми, тахта бўлиб қолди. Мен эса пул топиш илинжида йўлда тушиб қолган одамларни ўйлаб кўнглим хижил эди...

Зубайда хола тонгга қадар мижжа қокмади. Жовлининг гап-сўзлари уни ҳайрон қолдирди.

— Қўшни юртда маош зўр эмиш, ишлагани ўша ёққа кетаман.

Онанинг жаҳли чиқди.

— Узганинг юртида султон бўлгунча, ўз элингда ултон бўл. Миш-мишларга ишониб кетаверасанми? Ҳар жойни

қилма орзу, ҳар жойда бор тошу тарози.

Бироқ қайсар бола билганидан қолмади. Азонда уйқудан турди-ю уч-тўрт шериги билан жўнади.

Шу-шу, онаизор йўлга қарайди. Эшикка термулади. Телефон жирингласа, ҳаммадан аввал югуради. Жовли кетган кунлари бир-икки кўнғироқ қилди. Сўнг бадар кетди. Орадан ойлар-йиллар ўтди. Йиглай-йиглай она хастахол бўлиб қолди. Аммо сира умидини узмади. Яратганга илтижо қилиб, унга омонлик сўрарди.

Бир кун телефон жиринглади. Онанинг юраги ҳаприқиб, гўшакни кўтарди. Жов-

лининг овозини эшитиб, рангига қон югурди.

— Соғман, онажон, акамга гўшакни беринг, — деди у.

Шундай ҳам кутиб турган Одил онасининг кўлидан гўшакни олди.

— Акажон, бу ёққа келиб чучварани хом санаган эканмиз. Хужжатларимизни олиб кўйиб, қулдек ишла-тишди. Дунёда яхши одамлар ҳам бор экан, яқинда уларнинг кўмаги билан озод бўлдик, — деди Жовли йигламоқдан бери бўлиб.

— Майли, жонларинг соғ бўлсин! Қачон қайтасизлар?

— Уйга қайтсак деймиз, лекин пулимиз йўқ.

— Манзилни айт.

Орадан кўп ўтмай Жовли ва дўстлари озиб-тўзиб уйга қайтиб келишди.

Зубайда холанинг кўкси тоғдек юксалди. Кечиринг дегандек бошини эгиб ўтирган нуридийдасининг пешонасидан ўпиб деди:

— Уз уйинг — ўлан тўшагинг, болам. Қанча куч-ғайратинг бўлса, шу ерда ишлаб Юрт қорига яраш, унинг истиқболи йўлида хизмат қилиш керак. Шундагина эл кўзига дадил қарай оласан, болам...

Жовли ўша куни кўп йиллардан бери илк бор хавотирсиз, тўйиб ухлади. Эртасига эса дўстлари билан гапни бир жойга кўйиб, Кўнғирот туманига сода заводида ишлагани жўнаб кетишди. Бир ҳафтадан сўнг кўнғироқ қилиб, ишга жойлашганлари, ётоқхона билан ҳам таъминланганларини хабар қилди.

Шарофат ИСКАНДАР қизи

Ҳозир сердаромад иш топиш ёки хорижга чиқиб ишлаб келиш илинжида юрганлар кўп. Баҳор кунларининг бирида учрашиб қолган икки дугона Замира ва Шохистанинг оддийгина суҳбати охири-оқибат шу мавзуга бориб тақалди.

— Илгари ҳам анча-мунча кишиларни четга жўнатиб, ишга жойлаштирганман. Кейинги вақтларда бу бизнесим сусайиб қолди, — деди Замира дугонасига синновчан боқиб. У атэй умумийроқ тусда гапирди. Чунки бироз муддат шу каби қингир ишлари учун судланган эди. Буни дугонасидан яшираётганди.

— Четга чиқолмаётганлар кўп-ку. Менинг қариндошларим ҳам бор. Танишларимга айтман, келиб учрашадим.

Шохистанинг бу гаплари Замиранинг

кўнглидаги чўғни алангалатди.

Кўп ўтмасдан Шохиста сўзининг устидан чиқди. Қариндошлари Ф.Исомов ва Ш.Нуриллиновни Замирага учраштирди. АҚШга ишга юбориш учун ҳужжатларни тайёрлаш мақсадида З.Нарзуллаева улардан 2500 АҚШ доллари олиб қолди. Шундан кейин муайян вақт оралиғида З.Нарзулла-

Алданган орзумандлар

евага унга яқин хорижда ишлашга орзуманд одамлар мурожаат қилди. Уларнинг ҳар биридан турли миқдорда пул олиб, айримларига қарз олинганлиги ҳақида тилхат ҳам ёзиб берди. Лекин ўтган бир йил ичида ҳеч кимнинг ҳужжатини тайёрлаб беролмади. Уларнинг орзуси ушалмай қолаверди.

Бу орада Замира бошқа жойга кўчиб ўтди. У билмаслики, элининг кўзидан яшириниб бўлмайди. Мижозлар пулини талаб қилавергач, Замира аини вақтда иложли йўқлигини, маъқул бўлса, уйдаги нарсаларини олишлари мумкинлигини айтди. Айрим кишилар қайтарилишни гумон пул-

дан кўра нақд буюмни олиб кетишни маъқул кўришди. Афсуски, одам оласи ичида, деб бекорга айтишмаган экан. Бировларнинг пулини ўзлаштириб юборганда виждони қийналмаган Замирага уйдаги буюмларнинг қўлдан кетгани алам қилди. У гараз ниятда ички ишлар идораларига мурожаат қилди. Уларни ҳам чагитмоқчи бўлди: фалончилар унинг нарсаларини тортиб олган эмиш.

Суриштирув жараёнида бор ҳақиқат юзага чиқди. З.Нарзуллаеванинг найранглари ўтмади. Унинг ўзи ҳамма гапни ай-

тиб берди. Биринчи марта унга шартли жазо тайинланган бўлса, ушбу жиноятни такроран содир этганлиги учун бу сарфар суд ҳукми билан З.Нарзуллаева қамоқ жазосини ўтайдиган бўлди.

Бенхтиёр савол туғилади. Бундай шахсларнинг тегиримонига сода одамларнинг ўзлари сув қуяётганини билишармикан? Хорижга чиқиб ишлашнинг қонуний пулини тўтас бўлади-ку.

Саидқабар УСМОНОВ, Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси

Мамлакатимиз фуқароларининг хориждаги меҳнат фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги фаолияти тартиби тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинган бўлиб, ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»-ги Қонунга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Бу борада батафсилроқ маълумот олишни истасангиз, кейинги сонларимизни кузатиб боринг.



Қонунчиликдаги янгиликлар

► Соғлиқни сақлаш

● Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1999 йил 2 мартда тасдиқланган «Пуллик тиббий хизмат курсатишга босқичма-босқич утаётган даволаш-профилактика муассасаларини молиялаш тартиби»нинг V бўлими чиқарилди. Бу ҳужжат 2008 йил 15 майдан кучга кирди.

► Солиқ

● Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил булган қўшилган қиймат солигининг ортиқча суммасини қайтариш туғрисидаги Низом тасдиқланди. У 2008 йил 26 майдан кучга кирди. Мазкур Низомга мувофиқ, қўшилган қиймат солигининг ортиқча суммаси деганда ҳақиқатда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун туланган (туланадиган) ҚҚС суммасининг ноль ставкаси бўйича солиқ солинадиган оборотлар учун ишлатиладиган қисми учун ҳисоблаб ёзилган суммасидан ошиб кетиши тушунилади.

► Божхона

● Давлат божхона қумитасининг қарорига биноан «Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тулдириш бўйича Йуриқнома» тасдиқланди. У 2008 йил 15 майдан кучга кирди.

► Банк

● «Кредит уюшмаларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби туғрисида Низом» тасдиқланди. Унга мувофиқ, кредит уюшмасини қайта ташкил этиш кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг қарорига кура қушиб юбориш, қушиб олиш, булиш, ажратиш чиқариш шаклларида амалга оширилади. Кредит уюшмасини тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибиде бошқа шахсга утмасдан бекор қилинишига олиб келади. Қуйидаги ҳолларда кредит уюшмаси тугатилиши мумкин: кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинганда (ихтиёрий равишда тугатиш); кредит уюшмаси лицензиясининг амал қилиши тугатилганда ёки лицензия бекор қилинганда; кредит уюшмаси банкрот деб эълон қилинганда. қайта ташкил этилаётган ёки ихтиёрий равишда тугатилаётган кредит уюшмасининг Кенгаши ушбу ҳолатлар юзасидан кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан тегишли қарор қабул қилингандан сунг дарҳол Марказий банкни ёзма равишда хабардор қилади.

► Табиатдан фойдаланиш

● Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 8 октябрда 494-сон билан давлат руйхатидан утказилган «Тузларнинг қўллардаги конлари захираларига таснифлашни қўллаш бўйича Вақтинчалик йуриқнома» Узбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қумиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Давлат реестридан чиқарилди ва бу ҳақда мазкур Давлат реестрига тегишли ёзув киритилди. Бу ҳужжат 2008 йил 26 майдан кучга кирди.

► Ҳуқуқни ҳимоя қилиш

● «Давлат даромадига утказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йуқ қилиб ташлаш тартиби туғрисидаги Низом»га узгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» қарор қабул қилинди. Унга кура, 18-банд қуйидаги тахрирда баён қилинди: «Мол-мулкни сотиш танлов асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарорига мувофиқ белгиланадиган савдо ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Савдо ташкилотларини белгилашда уларнинг ихтисослашуви, жойлашган жойи ва истеъмолчи учун бориш осон булиши (вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва бошқалар), тегишли омборхона биноларининг мавжудлиги, аввалги фаолиятида белгилаб қўйилган савдо фаолияти қоидаларини бузиш ҳолатларига йул қўйилмаганлиги ва бошқалар ҳисобга олинади. Мол-мулкни сотиш бўйича хизматлар курсатиш юзасидан шартномалар ушбу савдо ташкилотлари билан Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг ҳудудий бошқармалари томонидан тузилади. Мол-мулкни сотиш хизматлари курсатиш юзасидан шартноманинг амал қилиш муддатини узайтиришда мазкур шартнома шартларига риоя этиш ва мол-мулкни сотиш тартиби бузилишига йул қўйилмаганлиги ҳам ҳисобга олинади».



Донолар демишки...

Қонунлар иллатларга барҳам бериб, яхшиликка йул очмоғи керак.

Цицерон

► Таълим

● Умумий урта таълим мактаблари 11-синфлари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва сифати мониторингини утказиш бўйича Йуриқномани тасдиқлаш туғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу ҳужжат 2008 йил 15 майдан кучга кирди. Унга кура, мониторинг ҳар йили ваколатли давлат органи - Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги ва Урта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилади ҳамда утказилади. Мониторинг утказиш муддати туғрисида таълимнинг тегишли ҳудудий органлари олдиндан огоҳлантирилади. ДТМ директорининг буйруғи билан мониторинг утказиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича мониторинг гуруҳлари таркиби тасдиқланади.

► Шаҳар бедарвоза эмас

Шукурки, хорижийки деса ҳуросқандни ҳам ётиб олиб шимийдиган замонлар утиб кетди. Бозорларимиз маҳсулот билан тула. Хорижда ишлаб чиқарилган, сифат сертификати булмаган маҳсулотларнинг эса сотувага чиқарилиши таъқиқланган. Сабаби, бундай озиқ-овқатларнинг истеъмол қилиниши одамлар саломатлигига пугур етказиши тайин. Шундай булишни билди туриб, айрим шахслар мумай даромад илнжиде яширин йуллар орқали келтирган маҳсулотларни бемалол пуллаётгани ачинарлидир. Пахтаобод шаҳарчасида истиқомат қилувчи Х.Шукуров, Х.Ҳамроева, Г.Исомова, янгиқишлоқлик Б.Турсунқулова, Б.Ғапторов, чулқуварлик Г.Нурматова шундайлар тоифасидан экан. Улар очивчасига сотаётган юз минглаб сумлик товарлар намуналари давлат санитария-эпидемиология назоратчилари томонидан текширилганда истеъмолга бутунлай яроқсизлиги аниқланди. Суд қарори билан бундай маҳсулотлар эгалари жарима тулашга мажбур булди.

Пул маблағларининг банкдан ташқари айланиши молиявий номутаносибликни келтириб чиқариш билан бирга иқтисодийтимизга ҳам салбий таъсир этади. Пахтаобод шаҳарчасидаги айрим ошхоналарда утказилган қисқа муддатли текширувлар шуну курсатдики, хурандага НКМ чекини бермаслик

йули билан нақд пул кассагамас, кассага купроқ тушиб бораёттир. Бундай ҳоллар «Суннатжон ДСА», «Давронбек-ДТР», «Бобожон-НБХ», «Золотое руно» хусусий фирмаларида содир этилган. Улардан жами 1 млн. 879 миңг 300 сумлик жарима ундирилди.

Юсуф ХОЛБОВ,
Сардоба туман Давлат солиқ инспекцияси бошлигининг ўринбосари
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими тайёрлади

► Кишлоқ хўжалиги

● «Кишлоқ хўжалиқ техникаси ва технологияларини синовдан утказиш тартиби туғрисидаги Низом» тасдиқланди ва 2008 йил 10 майдан эътиборан кучга кирди. Мазкур Низомга мувофиқ, республикада ёки хорижда ишлаб чиқарилган тракторлар, қишлоқ хўжалиқ техникалари, ускуналар ва технологиялар синов маҳсулоти ҳисобланади. Республиканинг маҳаллий-туб корхоналарида ишлаб чиқаришга тайёрланган ва Узбекистон ички бозорига етказиб бериш учун режалаштирилган қишлоқ хўжалиқ техникаларининг барча нухалари, шунингдек, тегишли ташкилотлар томонидан келтирилиши кузда тутилидиган ва тартибга солинадиган хорижий қишлоқ хўжалиқ техникалари, уларни республика қишлоқ хўжалигида ишлатишда ишончлилигини ва самарадорлигини текшириб куриш мақсадида, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 мартдаги 97-сонли қарори билан ваколат берилган УзҚТТСДМда мажбурий тартибда давлат синовларидан утказилиши шарт. ***

● Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 майда «Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини йулга қўйиш чора-тадбирлари туғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ минтақаларда мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналари ташкил қилинадиган булди.

► Мулкчилик

● Ипотекани давлат руйхатидан утказиш кучмас мулкнинг жойлашган жойи бўйича Узбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қумитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг руйхатдан утказиш идоралари томонидан амалга оширилади. Ипотека туғрисидаги шартнома нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат руйхатидан утказилиши лозим. Ипотека туғрисидаги шартнома давлат руйхатидан утказилган пайдан эътиборан тузилган деб ҳисобланади ва кучга киради.

ЎЗБЕКISTON

18.00 Мулки муқтоз. 18.10 'Ушлар' анкетаси. 18.15 'Анжелика' Т/с. 18.50 'ЎЗБЕК хабарлари'...

TOSHKENT

17.50 Қўрсатувлар тартиби. 17.55 Мушфилик. 'Леопольд'...

ПЕРВЫЙ

04.00 Телеканал 'Доброе утро'. 08.05 Телеканал 'Доброе утро'...

СТС

07.00 М/с 'Человек-паук'. 07.35 М/с 'Семшарик'.

СПОРТ

7.00 'Бодрое утро'. 8.00 'Хабарлар' (рус. тил)...

РОССИЯ

04.00 'Доброе утро, Россия!'. 07.55 'Лагуна: Торгова ма...'...

DTV

07.00 Удачное утро. 07.55 Музыка на ДТВ.

YOSHLAR

6.55 'Вақтинги миниги'. 7.00 'Давранинг болаеси'...

ЎЗБЕКISTON

5.55 Қўрсатувлар дастури. 6.00 'Ассалом, ўзбекистон!'...

TOSHKENT

7.25 Қўрсатувлар тартиби. 7.30 'Салом, Тошкент!'...

ПЕРВЫЙ

05.00 Новости. 05.10 Худ. фильм 'Вторжение'...

СТС

07.00 Х/ф 'Последний рассвет'. 08.55 М/с 'Умелая Манни'...

СПОРТ

8.00 'Хабарлар' (узб. тил). 8.20 'Бодрое утро'...

РОССИЯ

04.50 Х/ф 'На дорогах войны'. 06.30 'Сельский час'...

DTV


07.00 Удачное утро. 07.50 Музыка на ДТВ.

YOSHLAR

6.55 'Вақтинги миниги'. 7.00 'Илган Васильевич кас...'...

DTV

07.00 Удачное утро. 07.50 Музыка на ДТВ.



Чоршанба 18 Июн

OZBEKISTON

5.55 Курстувелар дастури. Т/с. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

TOSHKENT

7.25 Курстувелар тартиби. 7.30 Салом, Тошкент! Кунги...

ПЕРВЫЙ

04.00 Телеканал «Доброе утро». 06.00 Новости «Доброе утро»...

ТВ-3

07.00 М/Ф «Уолтер Мелон». 07.45 М/Ф «Мир Бобби»...

SPORT

7.00 «Борное утро». 8.00 «Хабарлар» (рус. тил)...

OZBEKISTON

19.15 «Бизнес ревью». 19.25 «Олимп сари йул». 19.30 «Возросшие игры»...

TOSHKENT

07.00 «Узбек навалари». 08.00 «Сегодня утром». 08.30 «Хабарлар» (рус. тил)...

ПЕРВЫЙ

04.00 Телеканал «Доброе утро». 06.00 Новости «Доброе утро»...

ТВ-3

07.00 М/Ф «Уолтер Мелон». 07.45 М/Ф «Мир Бобби»...

SPORT

7.00 «Борное утро». 8.00 «Хабарлар» (рус. тил)...

Шанба 21 Июн

OZBEKISTON

20.20 «Уюр бахори». 20.40 «Ешлар навои». 21.00 «Хабарлар» (узб. тил)...

TOSHKENT

7.25 Курстувелар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент! Кунги...

ПЕРВЫЙ

05.00 Новости. 05.10 Худ. фильм «Где 042?»...

ТВ-3

07.00 «Улси», 45 с. 08.00 М/Ф «Кот по имени Ик»...

SPORT

8.00 «Хабарлар» (узб. тил). 8.20 «Борное утро»...

OZBEKISTON

09.00 Тысяча мелочей. 09.20 Неотложная помощь. 09.30 «Хабарлар» (узб. тил)...

TOSHKENT

7.25 Курстувелар тартиби. 7.30 Салом, Тошкент! Кунги...

ПЕРВЫЙ

04.00 Телеканал «Доброе утро». 06.00 Новости «Доброе утро»...

ТВ-3

07.00 М/Ф «Уолтер Мелон». 07.45 М/Ф «Мир Бобби»...

SPORT

7.00 «Борное утро». 8.00 «Хабарлар» (рус. тил)...

Ishonch

Археолог А.Грицинанинг таъкидлашича, Сирдарё жуда олис замонлардан бери Шарқда шаклланган икки қудратли маданият — чорвадорлик ва зироатчилик сарҳади сифатида машҳур. Аммо Туркистоннинг «кокилини ювган» бу дарё қадимдан турфа номлар билан аталган.

Милоддан олдинги 6-асрдан эътиборан бугунги Сирдарё Яксарт номи олади. Бу номнинг пайдо бўлиш сабаби аввало Буюк ипак йўлидаги Сирбўйи халқларининг савдо ишлари билан ҳалол шуғулланишига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан бу ерга форсийларнинг кириб келишига дахлдор. Яксарт қадимги форс тилида «ҳалол савдогар» деган маънони беради. Араб сайёҳи Абулқосим ибн Ҳавқал эсдаликларига кўра, Яксарт номи эрамининг 9-асрида ҳам унутилмаган. Чунки бу номнинг Яксарт ва Ҳашарт шакллари араб географи Масъудий (10-аср), буюк ватандошимиз Абу Райҳон Беруний (973 — 1048-йиллар) маълумотларида, шунингдек, 10-асрда ёзилган «Худуд ул-олам» асарида ҳам учрайди.

Милоддан аввалги 4-асрга мансуб манбаларнинг гувоҳлик беришича, Яксарт атамаси Сирдарёнинг фақат Александр Македонский кўшинлари ҳаракат қилган қисмига нисбатан қўлланган. Жаҳонгирнинг лашкари эса ҳозирги Сирдарё вилоятининг Ховос, Жиззах вилоятининг Янгиобод туманлари, Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида жанг олиб боргани маълум. Кейинчалик Яксарт атамаси бугунги Хўжанд билан Чиноз оралиғидаги воҳани англата бошлади. Милоддан аввалги 329 йили А.Македонский бошлиқ кўшинлар Сирдарё бўйларига бостириб келгандан кейин форсийлар ҳокимияти юнон-македон ҳокимияти билан алмашди. Азим дарё эса ўша вақтда юнонча Таноис деб ном олади. Таноис атамаси ҳозирги ўзбек тилида «марварид дарё» маъ-

носини англатади. Сирдарё 11-асргача шу ном билан аталган. Милоддан аввалги 1-асрда яшаган юнон тарихчиси Плиний шундай хабар беради: «Скифлар қабиласи Силис деб

атайдиган Яксарт дарёсини Александр ва унинг жангчилари Таноис деб атадилар» (Латишев Б. «Известия древних писателей», Москва, 1947, 158-ст.).

Хитойшунос И.Марквартнинг маълумотларига таянсақ, Сирдарё қадимги хитой манбаларида Чженчжу-хэ, яъни «Ҳақиқий марварид дарёси» деб тилга олинган. Атамашунос А.Левшиннинг фикрича, эраминдан олдинги 4-аср бошида у хитойча Йок-ша деб аталган. Бу эса форсча Яксартдан деярли фарқ қилмайди. Бироқ Сирдарёнинг дастлабки хитойча номи Чжен-чжу-хэ, бошқача айтганда, «ҳақиқий марварид дарёси» — тарихий ҳақиқатдир.

Уринли савол туғилади: Сирдарёнинг бундай номланиш сабаби нимада? Жавоб битта: милоддан олдинги 4-аср бошида хитой кўшинлари генерал Бу Ди бошчилигида Сирдарёнинг юқори оқимида таркиб топган Довон давлати — ҳозирги Фарғона водийсига бостириб келади. Довон ҳоқонлари ёрдам сўраб, Сирбўйи халқларига мурожаат қилишади. Натияжада, боқинчилар Сирбўйининг «ўнта ўқчи қаби-

ла»си кўмагида Довон давлатидан қувиб чиқарилади.

Қадимги хитой деворининг ғарбий чеккасидаги соқчихонада топилган сўғдий тилдаги ёзма ёдгорликларда Сирдарё «жангари ўғуз дарёси» деб аталган. Мазкур манбадан маълум бўлишича, эраминдан олдинги 11 — 1-асрларда туркийзабон ўғуз қабилалари Сирдарё бўйларига кириб келиб, милодий 2 — 3-асрларда ўтроқ яшайди. Уларнинг жангарилиги туфайли дарё ўша даврда «жангари ўғуз дарёси» деб ном олади. Бироқ бу ном

зи соҳиллари ва Кавказ халқларини бўйсундиради.

Юртимиздаги энг узун дарё (2137 км) орқали ўтган Буюк ипак йўли тижоратчилари ва сайёҳлар бу дарёни «Хунлар сойи» деб аташган. Табиийки, Сирдарё бўйларида яшаб, катта мавқега эришган хун қабилалари уни ўз тилига мослаштириб, Соихун, кейинчалик эса Сайхун деб аташгани эҳтимолга яқин. 1500-йилга қадар азим дарё Сайхун номи билан машҳур бўлган.

Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида ёзилишича, кўҳна Қанг шаҳри — Турон мамлакатининг пойтахти. Туроннинг туб аҳолиси Сирдарё бўйларида, дарёнинг шимоли-шарқида яшаган. Масалан, Рустамнинг туркийлар ватани бўлмиш Турон мамлакатига қилган юриши тасвирларида қуйидагича сатр келган: «Қанг дарёси бу — Сирдарёдир».

Бироқ мазкур дарё «Шоҳнома»да Гулзаррийун деб зикр этилган.

Сирдарёнинг ҳозирги ном билан аталиши мўғуллар боқинига бевоқифа боғлиқдир. Чингизхон 1220 йили Сайхун бўйларидаги шаҳарларни ишғол қилишга киришади. Археолог Сервер Ашуровнинг гувоҳлик беришича, Сайхуннинг ўнг соҳилига туташ Шарқий Бинокент — Шоҳрухия қалъаси ичида Сайхун остидан (бугунги Сайхунобод туманида топилган) кўҳна Нурота шаҳрига олиб чиқадиган дарёести йўли бўлган. Бу шаҳарлардан бирига ҳужум қилган душманнинг кўли баланд келса, у ёки бу шаҳар аҳолиси дарёести йўли орқали Сайхун дарёсининг у ёки бу соҳилига туташ шаҳарга чиқиб олган. Табиийки, ҳар иккала шаҳар аҳолиси дарёести йўлида душманга қарши жанг қилишни тўхтатмаган. Ичкарига бостириб кирган боқинчилар ташқарига чиқмай, сирли тарзда гойиб бўлавергач, Сайхун дарёси сирли дарё, пировардида Сирдарё номи олан. Фикримизни далиллаймиз: 13 — 14-асрларда Чингизхон набираларининг Жун анҳори яқинида жойлашган қароргоҳи бўлмиш Сир ўрда, бошқача айтганда, Сир қароргоҳи «Сирдарё бўйидаги қароргоҳ» номи билан ёдга олинди.

Пиримқул ДЎСТМАМатов

Номлари сирли дарё



да халққа тушунарсиз, бироқ айтилиши ҳозирги тилимизда мавжуд сўзларга яқинлигига қараб ровий томонидан алоҳида бир воқеага боғлаб шарҳланади.

Ибратнинг «Фарғона тарихи» асарида Фарғона ҳақида шундай ривоят келтирилади:

Эмишки, Искандар Зулқарнайн замонида Фарғонада Баҳодир исмли жасур ва доно амир бўлган. У шоҳнинг талаби билан бир қароргоҳ бунёд қилган экан. Атрофдаги

ринчиси, Тошкент, Токент, Самарқанд, Роқан каби — кент, — қанд ёки қан шаҳар маъносидаги ўтроқ аҳоли яшаш масканлари. Иккинчиси, Фарғона, Марғилон каби — ган, — нан, — ком, — дарё ёки сой маъносидаги ҳудудлар. Қадимий аждодларимиз сув мўл ерларда турар-жойлар барпо этиши, ўринлашиши оқибатида ҳатто бугунги кунда ҳам тилимизда аниқ тушунарли бўлган вилоятлар номи: Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё юзага келган.

«Фарғона тарихи» китобида Марғилон ҳақида ҳам қизиқ бир ривоят берилди. Яъни, бу ҳам Искандар Зулқарнайн номи билан боғлиқ.

Искандар Зулқарнайн Фарғона ерларига келганида жаҳонгир подшоҳ хузурига нон ва туз билан пешвоз чиқиш керак бўлади. Бироқ нон то-

полмаган маҳаллий деҳқонлар подшоҳга товук пишириб, тортиқ қиладилар. Шоҳ «бу нима?» деб ажабланганида «мурғу нон», яъни «товук нон» деб жавоб беришган, Марғилон сўзи шундан келиб чиққан экан.

«Марғилон» сўзи ҳам худди «Фарғона» сўзи сингари ўзгартириб, бузиб талқин қилинган. Марғ — мумтоз тилда — ўсимлик, ўт-ўлан маъносида келади. Уни «Марғоб», «марғисой» каби майсазор, сув атрофидаги ҳушманзара ўтлоқ мазмуни билан талқин қилиш ҳақиқатга яқинроқ.

Ривоятлардаги ўйлаб топилган изоҳлар, воқеалар эса оғиздан-оғизга, аждоддан-авлодларга ўтиб яшайверади.

Дилором ҲАМРОЕВА

ТОШКЕНТНИНГ МУДОФАА ДЕВОРЛАРИ

Қадимий шаҳар ва қишлоқларнинг пайдо бўлишида турли кўринишдаги мудофаа иншоотлари муҳим урин тутган. Буни Тошкент шаҳрининг ҳимоя деворлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Худудий, иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга булган бундай иншоотларнинг турли-туман кўринишлари археологик қазилмалар асосидаги ҳулосаларга акс этди.

10-асрда шаҳар ҳудуди кенгайиши натижасида янги мудофаа девори барпо этилиб, карвон йуллари шаҳар мудофаа деворларига рупара келган жойларда дарвозалар қурила бошланди.

Бу даврда шаҳар Бинкат деб юритилган. Араб географларининг маълумотларига кўра, ушанда шаҳарнинг еттита дарвозаси булган.

18-асрда деворнинг баландлиги салкам 8 метр, тепа қисмининг кенлиги 2 метрча эди. Девор айланмасининг узунлиги 18,2 километр, шаҳарнинг умумий майдони эса 26,4 квадрат-километрни ташкил қилган.

19-асрда Тошкент янгидан қалин паҳса девор билан ураб олинди. Баландлиги 10 метрдан зиёд булган мазкур деворнинг муайян мусофа оралиғидаги қисмларига соқчилар учун миноралар қурдирилган. Деворнинг устида замбараклар олиб юрилар ва урнатилар эди. Мудофаа деворларининг қолдиқлари яқин вақтларгача Самарқанд дарвоза ва Хурийд кучаларида сақланиб қолганди. Кейинчалик улар ҳам бузилиб кетди. Бу дарвозалар олис юртларга ва шаҳар ташқарисидаги мавзеларга элтадиган катта йуллар устида тикланган. Дарвозаларнинг узи тоғ арчасидан ясалиб, сирти нақшлар билан безатилган. Ҳар бир дарвозада бир жуфт халқа ҳамда қалит булган.

Дарвозабонлар уларни қуриқлаб туришган. Зарур ҳоллардагина шаҳар ҳокимининг фармойишига кўра дарвозани очишга руҳсат этилган.

Тошкент шаҳрининг узоқ умтишидан шоҳидлик берувчи мудофаа девори ва бетакрор дарвозалар таназзулга учради. Дарвозаларнинг олтин қалитлари узунлиги 16 сантиметр, оғирлиги 165-167 грамм булган. Бу қалитлар ҳозир Ўзбекистон Марказий банкда сақланмоқда.

Акбар АЛИЕВ тэйёрлади

Марғилон «товук нон» деганими? Ёхуд...

Ривоятлар ҳамisha ҳам тарихий ҳақиқатни ўзида ифода этавермайди, баъзан ҳатто бирор тарихий илди, асосга эга бўлмайди. Аммо ҳар доим халқнинг орзу-истаклари, завқи, қизиқишларини акс эттиради. Айниқса, қайсидир шаҳар, қишлоқ, овул номи машҳур шахслар ёки тарихий воқеаларга боғлаб ривоят қилинар экан, кўпинча, шаҳар ё қишлоқнинг тавсифланаётган ҳодисага ҳеч бир алоқаси бўлмайди. Аслида, бундай тўқималар ватанга муҳаббат, унинг шон-шухратини кенгроқ ёйиш, қадимийроқ ҳамда узоқ ўтмишда ҳам ўз ўрнига эга бўлганлигини кўрсатиш мақсадида ўйлаб топилади. Табиийки, бу ривоятлар географик номларнинг талаффузига кўра, яъни бугунги кун-

шаҳар, қишлоқлардан биттадан хонадонни шу ерга кўчиртириб келган. Шаҳар халқи ҳар турли жойлардан бўлганлиги сабаб, «ҳар хона» — кейинчалик сосоний ҳукмдорлар обод қилган, равнақ топган шаҳар Фарғона дейила бошлаган экан.

Балки Фарғона шаҳрининг ривожланиши, қайсидир маънода, Искандар Зулқарнайн ёки Сосонийлар даврига тўғри келар. Аммо ушбу ривоят асл маъноси унутилган «Фарғона» сўзига халқнинг изоҳи, холос. Заҳриддин Муҳаммад Бобур «Фарғона» номини — «Водий» ёки «Улкан ҳавза» деб талқин этади. Асли, мана шу таъриф ҳақиқатга яқин. Ўзбекистон худудидаги жуда кўп шаҳар-қишлоқларнинг аталишида икки асос бор. Би-

«Волга»мла чапга бурилмокчи бўлдим. Каршимдан келаётган «Жигули» ҳам чирогини ёкиб чапга юрмоқчилигини билдирди. Аввалига бир-биримизга йул бериб тўхтадик. Кейин барабар кўзгалдик, иш пишди: икковимизнинг ҳам унғ томонимиз пачок бўлди. Шунни кўтиб тургандай, ДАН холими пайло бўлди.

Ҳамма айб ўзимизда

— Йул қоиласини билмайсанлар! Гувоҳнома ни ҳам сотиб олгансанлар! Қани ҳужжатларинг?!

У ҳужжатларимизни олиб, чунтагига солди. Кунгил учун ичини очиб, куз ташлаб ҳам қуймади. Машиналарнинг пачоқ булган жойларини текширган бўлди. Негадир «Жигули»нинг орқа гилдирагига тепиб ҳам қуйди. «Жигули» ҳайдовчиси дарҳол назоратчи томон чопди. Қули аввал узининг, кейин унинг чунтагига кириб чиқди. Назоратчи «обод» қилинган чунтагига қулини солганча мен томон юрди.

— Неча йилдан буён машина ҳайдайсиз?

— Ун йилча бўлиб қолди.

— Ун йилдан буён машина ҳайдайсиз-у, бурилишни билмайсиз...

— Биламан! — «Жигули»нинг қули назоратчининг чунтагига нималарни уқтириб чиққанини тушундим. Айбдор бўлиб қолгандан кура... Унғ чунтагига ҳужум бошладим. Назоратчининг юзига кули қуниб утгандай бўлди. У чап чунтагидан румолча олиб, бурнини арғиди-да, унғига солди. «Жигули»га юзланди.

— Ука, бу машинанинг у ёқ-бу ёғига қараб турасизми? Балонларнинг тиши емирилиб, кал бошдай яптираб кетибди-ю! Бунақада тормоқ ушлайдими?! Мана, бир чиройли машинани расво қилиб утирибсиз!..

«Жигули» «тушунди». Чап чунтакка ҳужумни қучайтирди. Назоратчи унғ чунтагидан ҳушпагани олиб, чапига солди. Мени саволга тутди:

— Машинангиз техосмотрдан утганми?

— Утган, ака, утган! Паспортга муҳр ҳам босилган.

— Муҳрни уриб беришаверди-да! — назоратчи афтини буриштирди, ерга туфлаб, машинамга утирди. — Қани, бир текшириб қурайлик-чи! Ух-ху! Рулингизнинг люфти жуда катта-ю! Шу машинани ҳайдаб юрибсизми? Айб...

Мен ҳам аҳмоқ эмасман — турт йил уқиганман. Бунинг устига чунтақларининг оғзи «солмайсанми!» дегандай ланг очилиб тургандан кейин...

Назоратчи ҳеч нарса булмагандай машинамдан тушди, «Жигули»ни текшира кетди.

— Қул тормози ишлайдими, ука? Чирокларни ёқинг-чи! Ҳа-а... Олдинги чироклар ёна-япти. Орқасини ҳам қурайлик-чи. Э, ана, чап томонингиз ёна-япти, — деди у шодон. Кейин менга юзланиб қўшиб қуйди: — Сиз бо-сиб туринг, узи ҳам курсин.

Улар орқага утишди. Дам утмай, назоратчи шитоб билан «Волга»мга яқинлашди.

— Унча-мунча отиб ҳам турасизми, акам? — у қукқисдан масалани нозик томонга бурди.

— Ҳа, энди, туйларда, байрамларда...

— Узим ҳам шундоқ булса керак деб уйлагандим. Айб кимдалиги...

— Бугун умуман ичмаганман!

— Бутун булмаса, кеча ичгандирсиз ё бир ҳафта бурун... Экспертиза ун кун бурун ичган булсангиз ҳам чиқариб беради.

Бу шаъмани анқов одамгина тушунмаслиги мумкин. Қулимнинг «Чунтагим — чунтаги» йуналиши буйича ҳаракати назоратчини «Жигули» томон ҳаракатлантириб юборди.

— Укам, бу том бошқами? — суради машинани калтаги билан уриб. — Том кетган экан-да. Эшик ҳам, мана бу чап қанот ҳам янги қуйилган-а? Машинангиз юмалаган! Нега шунни вақтлроқ айтмайсиз? Машина юмалагач, асоси ишдан чиқади, бошқарув меъёри бузилади. Рулни чапга бурсангиз, унғ томонга юриб кетаверди. Мана бунинг ёркин исботи! Айб...

«Жигули» ҳам жуда тушунадиган йигит экан, ҳаракатини қилди. Аммо негадир менга галати қараб қуйди.

— Олди капотни очинг-чи, акам! — назоратчи менга буюрди.

— Ия, аккумулятор қани?

— Орқада. Узиникини тополмай юк машинасиникини қўйган-дир. Кейин орқага жойлаштирдим...

— Э! Орқада юк ортгач, машинанинг олд гилдирақлари кутарилган. Гилдирак кутарилгач, рул ҳайдовчига буйсунармиди! Айб...

Шундай дегач чунтақларимни қоқлаб булса-да, назоратчининг чунтагини обод қилдим.

Назоратчи «Жигули»нинг камчиликларини айтиб узоқ вайсади. Ҳатто ҳайдовчини тиббий куриқдан ҳам утказди: қулларини олдинга чўздириб қуйиб, ун марта утириб-туришга мажбурлади. Аммо негадир «Жигули» менга мултиллаб қараганча жим тураверди.

— Ҳов, ука, ухлаб қолдингизми? — назоратчининг жаҳли чиқди. — Запаска борми, запаска?!

— Запаска?... — йигит жовдираб, атрофга аланглади. — Йуқ, йуқ. Запаска қолмади, ака!

— Сизда-чи? — назоратчи менга юзланди.

Туриси, мендям «запаска» тутагани, бош чайқадим.

— Мана, ниҳоят авариянинг асосий сабаби топилди!..

Назоратчи уткинчи машиналардан бирини тўхтатди. Унга утираркан, гапини яқунлади:

— Запаскаларинг йуқ — демак, икковларингизда ҳам айб бор. Узаро келишиб кетаверинглар!

Назоратчи жунаб кетди. Биз ҳам аста машиналаримизни юргиздик-да, секин кетавердик: ҳамма айб узимизда.

Саид АНВАР



Эшмон Маллани адабиёт мухлислари яхши биладилар. Унинг «Ҳарорат», «Бақанинг тирилиши» (детектив), «Ўтлоққа таъзим» каби романлари, «Пичанзор орабала икки кун» (икки ёш саргузашти), «Қовуннинг ҳиди» қиссалари аллақачон ўқувчилар қалбидан жой олган бўлса, «Ёр, орамиз минг қадам», «Ошиқ эмас, харидорингман» шеърый тўпламларини назм ихлосмаңдлари ҳалигача қўлларидан қўймай ўқишади. Эътиборлиси шундаки, адибнинг деярли барча асарлари йигирмадан ортиқ маҳаллий шевага таржима қилинган.



Яқинда эса сеvimли ижодкоримизнинг «Бу — менман» номли янги китоби «Гилдирак» нашриётида юз минг нусхада чоп этилди. Қалин муқовали, гул безакли ушбу китоб чиндан ҳам адиб-

Бу — дарҳақиқат, у

нинг чин дўстлари, яъни мухлислари учун ажойиб совға бўлди десак, янглишмаймиз.

Китобдан муаллифнинг борча, мактаб, институтда таълим олган йиллари тушган мингта яқин сурати, яна шунча бошқа суратлари ўрин олган. Айниқса, ҳурматли ёзувчимизнинг ўз оиласи даврасида тушган 70 га яқин фотосурати борки, бу китобни варақлаган ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Лекин китобни бутунича фотосуратлардан ташкил топган деб бўлмайди. Чунки ундан ижодкорнинг кейинги йилларда ёзган иккита гулдай асари ҳам жой олган. Биринчиси «Мен ҳам ниҳол эдим...» деб номланади. Унда муаллиф болалиги, ўқувчилик, талабалик даврлари тўрисида жўшиб гапирди. «Мен, — дейди у мазкур асарда, — ҳаётда жуда кўп ютуққа эришдим, дунё кездим. Асарларим кириб бормаган жой қолмади ҳисоб...» У яна ёзади: «Қаерга бормай, ҳурматимни жойига қўйишади, севишади, қадрлашади. Ҳўш, мен бундай обрў-эътиборга қандай сазовор бўлдим? Албатта, ўз истеъдодим орқасидан...»

Асарда ўқувчини жалб қиладиган гоётда қизқарли маълумотлар ҳам кўп. Хусусан, муаллифнинг болалигида тўрқандани жуда яхши кўрганлиги тўрисида ёзилган гаплар асарга ўзгача жозибдорлик бахш этади, бу гапларни ўқиб худди тўрқандан ялагандай бўлади киши...

«Бу — менман»дан ўрин олган иккинчи ва сўнги асар «Мен ўзимни билмасам...» деб номланади. Асар тўлиғича муаллифнинг ўзи ёзган асарларига ўзининг танқидий ва таҳлилий қарашларидан иборат. Яъни, ёзувчи ушбу асари орқали ўзининг барча асарларини ўзи таҳлил қилиб чиқади. Масалан, у бир пайтлар ёзган, ҳозир эса бирозгина унутилган «Болтабой ва Гулқарам» достонини таҳлил қилар экан, шундай ёзади: «Каминга ушбу асарим воситасида «пана-

пана жойлар»да қолиб кетаётган сеvimас, балки, қалбнинг тўрида пайдо бўлиб, сўнгра тўй орқали элга маълум қилинган сеvimги — ҳақиқий сеvimгидир демоқчи бўлганман...»

Адиб унут бўлаётган асарларидан яна бири — «Қарға» романи ҳақида-ям куюниб ёзади: «Бу романим ёмон чиққан деб айтолмайман. У гоъвий юксак, ҳаётий ва гўзал асар. Керак бўлса, менман деган ёзувчиларнинг асарларини ҳам худди гулзорни пайҳон қилгандай «янчиб» ташлайдиган танқидсевар Келди Қора ҳам бу асаримни «романчилигимизда катта воқелик» дея юқори баҳолаган эди. Фақат номи сал дағалроқ шекилли, машҳур бўлиб кетолмади. Уни «Қарға» эмас, «Булбулча» деб номлаганимда бошқача бўлармиди... Афсуски, каминга ном танлашда тактик хатога йўл қўйганман ва шу жиҳатдан ўзимни ўзим сира кечиролмайман...» Умуман олганда, янги — автотанқид (яъни ўзини ўзи танқид қилиш) ва автотаҳлил жанрлари уйғунлигида ёзилган мазкур асар адиб ижодининг чўққиси бўлди десак, заррача муболага қилмаган бўлаемиз.

Ҳа, китоб жавонлари яна бир қалингина китоб билан бойийдиган, пул хидига чиқолмайдиганлар уни ўз жавонларига бемалол харид қиладиган бўлди. Зеро, биз учун айнан мана шундай китоб жуда зарур эди!

Сўзимиз сўнгида сеvimли ижодкоримиз томон юзланиб, «Қаламингиз ҳеч қачон синмасин. Кўп яшанг, Эшмон оға!» деб қоламиз. Сизлардан сўраганимиз эса, албатта, бу китобни ўқимасангиз ҳам, бир варақлаб чиқинг. Сиз билган барча китоб дўконларида шу китобдан борлигига эса мазкур тақризчани ёзган танқидчи яъни, каминга қафолат беради деб...

Кайроқ ЧАРХИЙ



Рассом: Шавкат МУЗАФФАР

— Ассалому алайкум. Келинг, акажон. Хизмат? («Сотка»нинг қичқидор садолари янграйди.) Узр... Алло, Дилчиқа, ун минутдан сўнғ ўзим чиқаман... Узр... (яна бир бор) Ишларингиз яхшими, акажон. Қанақасиз? (Сиз «унақа» ё «бунақа» деб жавоб берасиз, албатта.) А, ариза олиб келганимизингиз. Биратўла ҳузурларига қира қолинг. Шуниси маъқул? Аҳа, анчагина камтар шахс экансиз... Ҳе-хе-хе... (Сиз жавобан сипоғина жилмайиб қўя қоласиз)... Тушундим, акажон... Шу бугуноқ киритишга ҳаракат қиламиз. Фақат... (атрофга бир қур олазарақ қараб олгач) телефонлаша қолайлик, яхшиси. Номеримни ёзиб олинг...

Танга чийлаб осмонга отинг: тамғали томони тушса — қабули муборакка кираверинг, ракамли ёни бўлса — аризангизни ёзма тарзда билдиринг. Лекин... катта боварча Бош Момосидан мерос қолган эски тосдан гаров уйнаймани, дуч келган туйнукдан мураласангиз ҳам, барибир, ахвол шу: туркингизни кимдир танимаса, ҳаммаси беҳуда. Кийимингизга қараб кўтиб олишади, «йўталишингиз»га кўра кузатиб қўйишади. Айтايлик, эгингизда энг замонавий либос, лабингизда «Кепт», кўзингизда аристократона салобат... Ана шунда...

Бутунолам мослашиш қонунини

Мабодо, кийинишингиз ўртача, бироқ сурбетроқ («закунчи»роқ, сўзамолроқ, шаллақироқ) бўлсангиз...

Харажатсиз ҳаракат бесамардир... (Ньютон хабар топса, борми...)

— Ваалайкум... Ҳўш?.. Ариза?.. (Яна ўша «сотка»нинг яна ўша қичқидор садолари яна янграб қолади.) Алло, вай, асалчим-шакарим, қач отдиҳайте? Ишга кетаяпсиз? Намунча рано? Ҳе-хе-хе... (У томондан хо-хо-хо бўлса керак...) Счаст... минуточка... Ҳа-а? Нима қилай шунга?! Қунига юзталаб одам ариза обқелади, қайси бириникини товоққа солай?! Алло, что случилось?.. А, битта

қичқирасиз? Очеред чўзилиб кетган бўлса, мандами айб?.. Гаплашгани қўясизми, ё йўқми?.. Қачон қаерда гаплашиничи, ўзим биламан. Алло, ҳўб жоним, ўзингизни эҳтиёт қилинг... БERING аризангизни. Ҳа, нега чақчасиз? Уйнаб ўтирганим йўқ-ку! Законий ишлапман, билдингизми. Кўлингизда бўлса, осмонни ташлаворинг...

Дейлик: одмироқ кийингансиз, ниғоҳингиз ҳам фақирона, худди тўдаси талаган кучукдай гулжайиб турибсиз. Ана шунда...

— Ҳи-м... Сизам аризабозимсиз? Ҳаммаларинг келишволиб, шу бугун мани инфаркт қилиб, қутиласилар... (Сиз бадтар довираб турганингизда у бамайлихотир кимгадир кўнгироқ қилад.) Алло, мамочка, яхшимисиз? Принчик уйғондиларми? Вай, кашасини емадимми? Чьё... нехотел что ли? Вай, кошмар... Бунақада скелет бўлиб қолади-ю... Пожалуйста, мам, дайте его овкат... Ну, молоко ёки қатик... Ладно, еш ёзим позвоною, ҳўб... Ладно... Вой, ҳалиям турибсизми, ташлаб кетаверинг дедиму... Нима, тушунмадим?.. Вай, я откуда знаю, қачон кўриб чиқишади, қачон жавоб беришади...

Бунча эзмаланмасангиз, эрхак ҳам шундақа латтачайнар бўладими? Вай, товба қилсам, сал жиннироқмисиз... Ҳўб, чечка кишлоқдан келган бўлсангиз, нима қилай? Уйимга обориб, оёгингиз тагига қўй сўйими? Ё обедга олиб чиқайми? Нима? Яна қачон келаман? Вай, ман қаердан биламан? Ташлаб кетаверинг деяман-ку! Ўзбекча гапираяман, шекилли...

Қисқаси, турнақатор навбатнинг кети кўринмайди, ўз қиррасини изловчи муносабатларнинг ҳам...

(Давоми бўлса керак-ов...)

Пайтава КУЛОК



Фидойилардан бири

Эътироф

Ота-боболаримиз айтганидек, одам фақат ўзи бахтга эришиши амримаҳол. Ўз бахтини яратишни истаган ҳар бир киши барча элдошлари бахтининг иштирокчиси бўлмоғи керак.

Ўқитувчи сулоласида тобланган Қаҳҳор Раҳмонов ҳақида ҳам кўп нарсани ифтихор билан айтса бўлади. У Самарқанд давлат университетининг математика факултетини тугатиб юртига қайтган 1973 йилданок Нурота тумани мактабларида математикадан дарс бера бошлади. Ўқувчиларни фан олимпиадаларига, эса қоларли кўрик-танловларга тайёрлади. 1990 йили «Қизиқарли мисоллар» тўпламининг чоп этилиши, унда 300 дан ортиқ масала ва мисол-

ларнинг ечилиш йўллари ўзига хос тарзда очиб берилиши математика ихлосмандлари учун янгилик эди. Вилоят ўқитувчилари танловида бу меҳнат муносиб баҳоланди ва Қаҳҳор ака соврин соҳибига айланди. Касбга бўлган фидойилик самараси ўлароқ ўша йилдан бошлаб Қ.Раҳмонов таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Нурота туманидаги вакили этиб сайланди.

Қаҳҳор Раҳмонов ҳар бир ходимнинг ҳурматини жойига қўяди. Жамоалар ўртасида аҳиллик, ижодий ҳамкорлик муҳитини сақлаб туриш ҳаракатида бўлади. Бу эса ютуқлар омилidir.

С.ҚИЛИЧЕВА,
Ўзбекистон халқ ўқитувчиси

ГАЗЕТХОН ИЛҲОМИ

А З И З И М

Азизим, қаторда бўйлари норим,
Менинг суячгим ҳам ифтихорим.
Қуёшимсиз кўкда чарақлаб турган,
Сиз бор, дилда бўлмас зарра губорим.

Муҳаббат боғида тоза болимсиз,
Менинг келажгим — ифтихоримсиз.
Дилимда неки бор айтсам, айтмасам,
Сўзсиз тушунгайсиз менинг ҳолим сиз.

Сирдошим, доимо бўлинг соғ, омон,
Йўлингизга фидо бўлсин ширин жон.
Сизни табибим деб улуғлаб юриб,
Дуолар қиламан ҳар оқшом, ҳар тонг.

Жамила ЯХШИБОВА,
Жиззах туманидаги
Н.Қаршибоев
номли мактаб ўқитувчиси

Э. Нур-ай...

Юрак Шайтонга бўйсунди...ми?

Хофиз «Шайтонга бўйсунган юраклар» деб хониш қилганидек юраклар Шайтонга бўйсунди-ми? Ростдан ҳам, Шайтоннинг даҳшатли қилмишлари ҳақида яқинларидан эшитган бола қалбини ваҳима босади. Ўйларининг чеки йўк. Ҳар қадамда содир бўлаётган кўнгилсизликлар Шайтонга нисбатан нафрат уйғотади. Бундан ҳурсанд бўлиш керак, албатта. Аммо биз уларни «Шайтон» билан кўрkitиб тўғри қилаймизми? Аслида кўрkitмасдан тўғри тушунтириш керакмасми?

Яқинда иккита танишим баҳслашаётганининг гувоҳи бўлдим. Гап инсон қилган барча гуноҳларда Шайтон айбдор деган тахминга бориб тақалганда, пичоқ суякка қадалди. Чидаб туролмасдан суҳбатга аралашдим. Инсон эътиқоди кучли бўлса, ҳеч қачон ўз хатосини Шайтонга тўнкамайди.

Қизиқчи аския қилганидек, инсонлар гуноҳ қилди-ю, Шайтон айбдорми? Нега шундай йўл тутамиз? Жамиятда турли асабузарликлар бўлиб туради. Шунда кимгадир қаттиқ гапириб, кўнглини оғритамиз. Яна Шайтон айбдор. Ҳаёт давом этар экан, Шайтонни айблашга баҳона топилаверади.

Гуноҳкор инсон Шайтондан гумондор бўлгунча, ўз хатти-ҳаракатига жавоб беришга ўрганиши лозимлигини уқтиришим ҳамон, улар сўзларини исботлашга жадаллик билан киришиб кетишди.

Гоҳида муносабатларга зиддият энган паллада яна Шайтон номи бизни ҳижолатдан кутқаради. Ҳа энди, жаҳл чиққанда ақл кетади, деб юпанамиз. Баъзан манфаатни кўзлаб салом-алик қиламиз, иш битгач юз буриб кетадиганлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳам Шайтоннинг ишими? Адашмасам, биз беш-ўнта Шайтонга дарс беришга қодирмиз-ов. Шунинг учун ҳам ёши улуғлар дуо қилганда одам қиёфасидаги шайтонлардан ўзинг асра, деб Яратгандан илтижо қилишади.

Аждодларимиз негадир Шайтон деган сўзни камроқ ишлатишган. Сабаби оддий, ҳеч ким болалари номини ўртага қўйиб арзимаган фойда илинжида қасамхўрлик қилмаган, казо-казоларнинг ишончига кириш мақсадида ўзлигини унутиб, ўлиб-тирилмаган. Энг муҳими, мерос талашиб ака уқанинг кўксига ханжар сукмаган. Оилавий муаммолар кимларнингдир аралашуви билан ечилмаган, аксинча, «кўл синса, енг ичида» қабалида иш тутилиб, ҳаммаси одоб-ахлоқ доирасида ҳал этилган.

Аминман, инсон виждонига таяниб иш тутса, хатолари учун Шайтонни айблашга ҳожат қолмайди.

Файрат ШИРИНОВ

Шахсий корхонам бўлишини истайман.



И. ҲАСАНОВ олган сурат

Инсон ҳаётини информацион технологияларсиз тасаввур қилиши мумкин эмас. Чунки улар давлатларни янги босқичга, халқларни информацион жамиятга, яъни замонавий ривожланган цивилизацияга олиб чиқишга хизмат қилади. Информацион технологияларнинг энг глобал воситаси, бу интернетдир. Албатта, интернет мулоқот ва маълумот алмашиш учун энг қулай восита. Лекин шунинг унутмаслик керакки, интернетнинг ҳам ўзига хос салбий томонлари бор.

Унинг инсоният ҳаётига бевоқифа кириб келиши XX аср сунгида юз берди. Унгача америкаликлар томонидан кашф этилган ушбу глобал тармоқ фақат ҳарбий мақсадларда ишлатилар эди.

Бугунги кунда информацион технологияларнинг ривожланиши мамлакатларнинг миллий бирлигини сақлаш ва давлат тузумини мустаҳкамлаш учун хизмат қилмоқда. Ҳозир мамлакатимизда 1 миллионга яқин интернетдан фойдаланувчилар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги

Интернетдан тўғри фойдаланилса...

кўнгилочар сайтларгагина мурожаат қилишмоқда. Ҳолбуки, ҳар қандай соҳадаги сунги ютуқлар билан танишиш имконияти мавжуд.

Биргина Россия давлати 2007 йилда информацион технологияларни ривожлантириш учун 2 млрд. маблаг ажратди. 34.000 дан ортиқ умумтаълим муассасалари янги типдаги интернет тармоғига уланишди, яъни Россия Таълим ва Коммуникация вазирликлари ҳамкорликда мактабларга ва мактабгача таълим муассасаларига интернетни олиб киришди. Муҳими, у ерда таълим-тарбия оладиган ёшлар маълумотларни чекланган тизимда қабул қилади. Улар онгига таъсир этувчи ёт аборотлар эса доимий текширув-

да бўлади. Чунки компьютерларда сет тизими орқали бошқарув низорати урнатилган. Бундан ташқари, Россияда охириги 3 йил мобайнида «Иқтисодий соҳада интернетдан самарали фойдаланиш», «Халқаро иқтисодий муносабатларни урганишда интернетнинг роли» каби турли мавзулардаги кўрик-танловлар ташкил этиш одат тусига айланиб бормоқда.

Интернетдан тўғри фойдаланиш нафақат билимни мустаҳкамлайди, шунингдек, янада буюк мақсадларга эришиш йўлида қулай восита сифатида жуда асқотиши, шубҳасиз.

Аббос БОБОХОНОВ,
УзМУ талабаси

Донорлар демишқи...

Энг оғир
йўқотишлардан
бири — вақтни
йўқотиш.

Ж. БЮФФОН

«МУШТАРИЙ МИНБАРИ» КУПОНИ №

Фамилиянгиз _____
Исмингиз _____
Отангизнинг исми _____
Тугилган йилингиз _____
Манзилингиз _____
Иш(ўқиш) жойингиз _____
Қайси мавзуда чиқиш қилмоқчисиз? _____



«Оғир атлетика»


8 август куни Пекин шаҳрида XXIX ёзги Олимпиада баҳслари бошланади.

Мазкур йирик спорт анжуманига Ўзбекистон спортчилари қўлга киритган йўлланмалар сони кундан-кун кўпаймоқда. Ҳозиргача 53 та лицензия ўзбек спортчиларига тегишли бўлиб, шундан икkitаси оғир атлетика спорт тури ҳиссасига тўғри келади.

Хўш, оғир атлетика бўйича Пекинга биздан кимлар боради?

терма жамоа бош мураббийи Валентин Манушев, мураббийлар Шариф Шохназаров ҳамда туркиялик Жафер Топчу ўтказишяпти.

Олимпиада олдидан шу тўрт нафар спортчимиздан энг яхши спорт формасида бўлган икки нафари Пекинга боради. Таъкидлашим мумкинки, ҳар тўртала полвонимизнинг



устози, тажрибали мураббий Жафер Топчу ишга таклиф қилинганди. Шу боис, Туркияда оқори савиядаги йиғин ташкил этилди ва биз турк спортчиларининг машғулотларини кузатдик, ўзаро тажриба алмашдик.

Март ойида Ўзбекистон чемпионати ўтган бўлса, апрелда Япониянинг Каназава шаҳрида ташкил этилган қитъа чемпионатида Олимпиада лицензиялари учун зарур очколарни жамғардик.

Олимпиадада қатнашиш катта шараф эканлиги боис, йиғиндаги ҳар бир спортчи машғулотларга жиддий эътибор қаратганмиз. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика оғир атлетика Федерацияси барча шароитларни яратиб беришган.

— Оғир атлетика ўз оти билан оғир шартли спорт турларидан ҳисобланади. Буни бир мусобақадан кейин спортчига тикланиш учой фурсат талаб этилишидан ҳам билса бўлади. Айтинг-чи, тинимсиз «штанга» билан ишлаш бездириб қўймайдими?

— Машғулотларни қолдирсангиз, натижа орқага кета бошлайди. Рост, баъзида оғир машқлар чарчатади, ёқмай қолиши ҳам мумкин. Бироқ мураббийларимиз бизни руҳан тайёрлашади ва чарчокни енгишга муваффақ бўламиз. Масалан, Жафер Топчу машғулотларни шундай олиб борадики, деярли чарчамасиз.

P.S. Олимпиада ва юқори натижалар, галаба иштиёқида ёнаётган спортчиларимизга омад тилаймиз.

«Югуриш Отахоннинг шукронаси»

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида Олимпия югуриш кунига бағишланган анъанавий мусобаканинг Республика финал босқичи бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда 16 - бор ўтаётган ушбу югуриш байрамида одатдагидек, профессионал спортчилар қаторида кўплаб ҳаваскорлар иштирок этишди.

Ғолиб ва совриндорлар мусобақа ташкилотчилари — Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси ҳамда бош ҳомий — «Coca-cola» компанияси томонидан диплом ва совғалар билан тақдирланишди.

Биз баъзи иштирокчиларнинг фикрларини ёзиб олдик.

— Ёшим 75 да. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Чирчиқ шаҳрида яшайман, — дея ўзини таништирди Икром ота Ғиёсов. — 40-50 йилдан буён югуриш спортининг шайдосиман. Ҳар кун тонг соат тўртдан олтигача 5-10 километр масофага югураман. Соғлигимдан шикоятим йўқ. Қанча югурсам ҳам нафас олишим бир текис, ҳарсиллаб қолмайман.

Шукр, тинч ва обод давлатимизда барча учун спорт билан шуғулланишга имкон бор. Шунинг учунми, ўғлим жисмоний тарбия ўқитувчиси, икки нафар набирам баскетболчи. Ёшларга тилагим, спортга меҳр қўйишса, асло кам бўлмайди.

Гоҳо шиддатим жўшиб, турли хаёларга бораман. Масалан, Чирчиқ шаҳридан то Мустақиллик майдонигача югуриб келгим ва ҳаяжонларимни ватандошларимга изхор этгим келади.

«Кемамоделчилик Бизда тараққий этган»

18-22 июн кунлари Андижон шаҳрида кемамодел бўйича Ўзбекистон чемпионати ғолибларни аниқлайди.

Юртимизда бу спорт турининг анча тараққий этгани, жаҳон чемпионати ғолиб ва совриндорлари бўлган спортчиларимизнинг борлиги туфайли республика мусобақасига ҳам қизиқиш жиддий.

Андижонда сараланган кучлилар Тошкентда ўқув-машғулот йиғинига жалб этилиб, август ойида Чехия давлатида ўтадиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик бошланади.

Чемпионлар Лигасининг охириги тўрт мусобақасида бир маротаба финалда галаба қозондим, икки марта ярим финалгача етиб бордим. Бундан аввалроқ эса шогирдларим УЕФА кубогини қўлга киритишганди.

Менда Испания, Португалия ва Англияда ишлаш бўйича қимматли тажриба машқуд. Чемпионлар Лигасибу турли футбол мактабларининг ўзаро баҳсидир. Бугун Англия жамоасига қарши майдонга тушсанг, бир ҳафта утиб, португал клуби бошқача тактика қаршида саф торлади. Назаримда, «Интер»ни ҳам чемпионликка даъвогар II та жамоа сирасига қўшиш мумкин.

Полвонларнинг шашти юқори

Ўзбекистон оғир атлетика Федерацияси бош котиби Шаҳрулло Маҳмудов саволимизга қуйидагича жавоб қайтарди:

— Спортчиларимиз Осиё ва жаҳон чемпионатларида етарли балл йиғишиб, яқунда иккита йўлланма эгасига айланишди. Лицензиялар жамоа томонидан қўлга киритилгани учун Хитойга кимлар боришини мураббийлар ҳал қилишади.

Ҳозирда терма жамоанинг энг кучли аъзолари, 62 кг вазн тоифасида Руслан Алпанов, 77 кг.да Шерзод Юсупов, 85 кг.да Мансур Чашимов ва 94 кг.да Иван Ефремов Тошкент вилоятининг «Чорбоғ» кўрғонида ўқув-машғулот йиғинида қатнашмоқда. Машғулотларни

шашти баланд. Уларнинг ҳар бири бугунги кунда Олимпиадада қатнашишга лойиқ.

Фурсатдан фойдаланиб, маҳоратли спортчи Шерзод Юсупов билан суҳбатлашдик.

Эслатиш жоизки, Шерзод Юсупов 1982 йил 10 октябрда Тошкент вилояти Чиноз тумани Олмазор шаҳарчасида туғилган. Дастлабки спорт сабоқларини Ғайрат Нурушев ва Александр Зверовдан олган. Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи ва Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини тугатган.

Беш карра республика биринчилиги, тўрт марта мамлакат чемпионати ғолиби. Осиё биринчилиги (2001) ва Осиё кубоги мусобақалари (2007) совриндори. 2001 ва 2007 йиллар

да жаҳон чемпионатида, 2006 йил эса Қатарда ўтган Осиё ўйинларида иштирок этган.

— Шерзод, 2008 йилги мамлакат чемпионатида 77 кг вазн тоифасида даст кўтаришда 142 кг, силтаб кўтаришда эса 177 кг натижа кўрсатиб, ғолиб бўлгандигиз. Ҳозир Олимпиадага тайёргарлик кўряпсиз. Шу ҳақда қисқача гапириб берсангиз...

— Олимпиадада муносиб қатнашиш осон эмас. Шу боис, тайёргарлик бугун ёки кеча бошлангани йўқ. Масалан, 25 январдан 16 февралгача Туркиянинг Антали шаҳрида ўқув машғулот йиғинида қатнашдик. Биласиз, ўтган йили юртимизга туркиялик мутахассис, бир неча жаҳон ва Олимпиада чемпионлари

«Футбол»

Кучсиз жамоанинг ўзи йўқ

Австрия ва Швейцария майдонларида футбол бўйича Европа чемпионатининг биринчи тур учрашувлари ниҳоясига етди.

Дастлабки уйинларда қайд этилган натижаларни кузатиб туриб, «ким Европанинг янги чемпиони бўлади?» деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилиш ноурин. Бироқ омадли ва техник-тактик имконияти яхши жамоалар дастлабки галабаларига эришиб, чорак финал сари одим ташладилар. Марҳамат, натижалар билан танишинг:

- «А» гуруҳи. Швейцария-Чехия - 0:1, Португалия-Туркия - 2:0.
- «В» гуруҳи. Австрия-Хорватия - 0:1, Германия-Польша - 2:0.
- «С» гуруҳи. Франция-Руминия - 0:0, Голландия - Италия - 3:0.
- «Д» гуруҳи. Испания-Россия - 4:1, Греция-Швеция - 0:2.

Куриб турганингиздек, мусобақанинг ҳар иккала мезбонини ҳам чемпионатни мағлубият билан бошлади. Австрияда футбол унчалик ривожланган дея олмасак-да, Швейцария термасининг ҳам қитъада нуфузи баланд бўлмаса-да, жамоаларнинг бош мураббийлари кейинги босқичдан умидларини узмаганликларини айтишмоқда.

2004 йилги Европа чемпионатида кумуш медалларга эришган Португалия термаси туркларга нисбатан анча кутаринки руҳда уйнашди ва купчилик муҳлис ҳамда мутахассислар Луис Фе-

липес Сколари шогирдларини ғолибликка даъвогар сифатида тилга олмоқда.

Шунингдек, Марко ван Бастен шогирдлари амалдаги жаҳон чемпиони Италия терма жамоасини йирик ҳисобда мағлуб этди: 3:0. Италиялар икки йил олдин жаҳон чемпионлигини узларининг кучли ҳимоя чизиги туфайли қўлга киритишганди. Бироқ бугун бу таркиб ва айнан «мудофаа кўрғони»да жиддий йўқотишлар бор. Моҳир ҳимоячи Фабио Каннаваро яқинда жароҳат олган бўлса, Алессандро Неста термадаги фаолиятини яқунлаган.

Испания-Россия терма жамоалари учрашувида мусобақанинг биринчи хет-греки қайд этилди. Испанлар ҳужумчиси Давид Вилья руслар дарвозасига учта тўп киритиш билан бирга учрашувнинг энг яхши футболчиси деб ҳам топилди.

Амалдаги Европа чемпиони ҳисобланган греклар бу гал ҳам ҳимоявий тактикада чемпионатни бошлашди ва улар уйинида тезкорлик кузга ташланмади. Натижада, шведлар ажойиб галабага эришишди: 2-0

Эслатиб утамиз, «Евро-2008»нинг гуруҳ учрашувлари 18 июн, чоршанба куни уз якунига етади ва гуруҳларда биринчи ва иккинчи уринларни эгаллаган жамоалар чорак финалда баҳсларни давом эттиришади.

Ниҳоят...

ада ишлашни хоҳлайман.

Дуненинг кўпчилик футболчилари «Интер»да уйнашни хоҳласа, клублар уйинчиларини Милан шаҳри клубига сотишни исташади. Бироқ мен «Интер» уйинчиларига мурожаат қилиб, улар меннинг футболчиларим эканлигини ва ишонимни айтмоқчиман. Миш-мишлар тарқалганидек, ёзги трансфер бозорининг шоҳи бўлишни кузлаётганим йўқ. Аксинча, жиддий танловлар натижасида жамоа уйинини мустаҳкамлаш кераклигини айтиб утмоқчиман.

Ишим бошланадиган июл ойини орзқиб кутяман.

— Маҳаллий ишқибозлар севимли жамоаси анча вақтдан буён Европа чемпионлар лигасида ғолиб чиқишини орзу қилишяпти. Сиз бунга ишонасизми?

— Бу барча клубларнинг орзуси. Таҳлил қилиб кўрдим, II та жамоани ғолибликка даъвогарлар сафида таъкидлаш мумкин. Яъни, Англия премьер лигасидан тўртта, Испания ва Италиядан учтадан, Германиядан битта.

«Ёзги биатлон»

Шу кунларда Ўзбекистон ёзги биатлон терма жамоаси Чирчиқдаги Жалоловдин Мангуберди номидаги спорт мажмуасида хизмат кўрсатган мураббий Сергей Серебряков раҳбарлигида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказмоқда.

Тайёргарлик қизғин

Жамоамиз олдида нуфузли мусобақа турибди: 25 июн 1июл кунлари Қирғизистоннинг Чўлпон Ота шаҳрида навбатдаги Осиё кубоги ташкил этилади.

Шунингдек, июлда Россиянинг Новосибирск шаҳрида Осиё очик чемпионати, сентябр ойида эса ёзги биатлон бўйича Францияда жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Лондоннинг «Челси» жамоасидан кетгач, анча вақтдан буён ишсиз юрган португалиялик мутахассис Жозе Моуриньо Италиянинг амалдаги чемпиони Миланнинг «Интер» жамоаси бош мураббийлигига тайинланди.

Нега «Интер»га кетма-кет учинчи бор «Скудетто»ни (Италия чемпионлигини) тақдим этаётган мураббий Роберто Манчинининг хизматларидан воз кечилди? Албатта, бунга «Интер»нинг тобора зерикари ва сифатсиз уйин курсатаётгани сабаб бўлса керак.

Яқинда Жозе Моуриньо Италия оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб берди.

— Энди «Интер» таркиби-



да қандай узгаришларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин?

— Матбуотдан ўқиб билдимки, таркибида 70 нафарга яқин футболчига эга булган клубни шуғуллантиришамга тўғри келади. Бунинг яхши томонлари йўқ. Мен майдонда тўп сурадиган 20-21 нафар уйинчи ҳамда яхши дарвозабонлари бор жамо-

Суданда авиаҳалокат

оқибатда 100 дан зиёд киши ҳалок бўлди

Сешанба куни «Судан ҳаво йўллари» авиакомпаниясига қарашли, бортида 200 нафар йўловчи бўлган А-310 самолёти Хартум аэропортига кўниш чоғида ҳалокатга учради. Бу ҳақда АР агентлиги хабар тарқатди. Маълумотларга кўра, ҳалокат оқибатида

100 дан зиёд киши ҳалок бўлган.

Судан полицияси раҳбари Муҳаммад Нажибнинг сўзларига кўра, об-ҳаво ёмонлиги боис самолёт ерга урилиб иккига бўлинган ва ёниб кетган.

Ўз навбатида Хартум

аэропорти директори Юсуф Иброҳим ҳалокатга самолётнинг техник носозлиги сабаб бўлган, деб ҳисобламоқда. Унинг айтишига қараганда, фожа юз беришидан олдин учувчилар диспетчерларга муваффақиятли равишда кўнганлари тўғрисида хабар беришган.

Бу мамлакатда юз берган иккинчи йирик авиаҳалокатдир. 2003 йил июл ойида ҳам «Боинг-747» ҳавога кўтарилган захоти кулаб тушган ва 115 кишининг умрига зомин бўлган эди.

Хавфли касб

Дунё бўйича журналистик хавфли касблардан бирига айланиб бормоқда. Мисол учун, АР агентлигининг хабар беришича, яқинда Афғонистоннинг Лашкаргоҳ шаҳри яқинида «Би-Би-Си» мухбири Абдул Самад Роҳанийнинг жасади топилган. Яна бир мухбир хизмат вазифасини бажараётиб дунёдан кўз юмди. Журналист бир кун олдин номаълум қуролланган кишилар томонидан ўғирлаб кетилган эди.



Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ўтган йили мамлакатда 5 нафар хорижий журналист ўлдирилган.



Интерпол ҳам ожиз

Россия Интерпол йўналишида 1205 кишини қидирмоқда. Бу ҳақда «РИА Новости» мухбирига Интерполнинг Россия ИИБ хузуридаги миллий марказий бюроси (ММБ) бошлиғи, милиция генерал-майори Тимур Лахонин маълум қилди.

Уларнинг барчаси турли сабабларга кўра, жумладан терроризм, фирибгарлик ва ўғирлик жиноятларини содир этганлари учун қидирилаяпти.

ММБ раҳбарининг алоҳида таъкидлашича, айти пайтда Интерпол журналист Анна Политковскаянинг қотили деб тахмин қилинаётган Рустам Маҳмудовнинг, «РуссНефт» компаниясининг собиқ раҳбари Михаил Гуцериев ва фирибгарликда айбланаётган, асли россиялик бўлган америкалик тадбиркор Леонид Рожецкийнинг қаердалиги ҳақида маълумотга эга эмас. Шунингдек, қидирилаяётган 1100 та санъат асари ҳам топилгани йўқ.

Қуролга ҳамма вақт пул топилади



«Совук уруш» даври тугаганига қарамай дунё бўйича қурол-яроғ бозори кенгайиб бораёпти, давлатлар эса ҳарбий харажатлар

рини тобора оширишаяпти. Тинчлик муаммоларини ўрганивчи Стокгольмдаги (Швеция) халқаро институт яқинда эълон қилган SIPRI справочнигидан шундай хулоса чиқариш мумкин. Қуроласлаша экспорт қилувчи мамлакатлар рейтингига АҚШ биринчи, Россия иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

2007 йили жаҳон бўйича ҳарбий харажатлар олдинги йилдагига нисбатан 6 фоиз ошиб, 1 трлн. 339 млрд. АҚШ доллари-

ни ташкил қилган.

2007 йили Пентагон қуролланиш учун 547 млрд. доллар сарфлаган, бу дунё бўйича шу мақсадга йўналтирилган харажатларнинг тахминан 45 фоизи демакдир. Россиянинг бу борадаги кўрсаткичи 35,4 млрд. долларга тенг.

2003 — 2007 йиллари қурол бозорининг энг йирик харидорлари Хитой, Хиндистон, БАА, Греция ва Жанубий Корея бўлган.

SIPRI экспертларининг таъкидлашича, ўтган йили дунёда 14 та кўламдор қуролли тўқнашув қайд этилган. Нотинч мамлакатлар рўйхатида Сомали, Колумбия, Перу, Филиппин, Мянма, Шри-Ланка, Туркия, Исроил, Ироқ ва Россия киритилган.

Транспортнинг янги тури



Туркиянинг Истамбул шаҳрида транспортнинг янги тури кеча-ю кундуз ишлайди. Денгиз таксиси шу йил 27 августдан мижозларга хизмат кўрсата бошлайди.

Такси йўловчиларни Босфор бўғозидаги 24 та пунктга элиб кўяди. Йўл ҳақини нақд пулдан ташқари кредит карталари орқали ҳам тўлаш мумкин. Кундузи такси чақирганлик учун 15 турк лираси ва босиб ўтилган ҳар бир денгиз миля учун 10 лирадан ҳақ олинади. Кечаси эса нархлар мос равишда 20 ва 15 лирани ташкил қилади.

Сайловолди ваъдалари

Сешанба куни Республикачилар партиясидан АҚШ президентлигига номзод Жон Маккейн агар сайловда ғалаба қозонса, корпорацияларга солинадиган фойда солигини камайтиришга ваъда берди.

«Reuters» агентлигининг маълум қилишича, Маккейн, шунингдек, ўрта қатлам вакиллари учун солиқ юқини ҳам камайтириш ниятида. Бундан ташқари, президентликка номзод корпорациялар топ-менежерларининг даромадларини ҳам назоратга олиш зарур, деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, топ-менежер ишдан бўшатилаётганда унга тўланадиган иш ҳақи ва товон пули миқдори акционерлар билан келишиб олинishi керак.

Жон Маккейннинг сайловдаги рақиби, Демократик партия вакили Барак Обама Маккейннинг позициясини АҚШнинг ҳозирги президенти Жорж Буш маъмурияти юритаётган нотўғри пул-кредит сиёсатининг давоми, деб ҳисоблайди.

Ўз навбатида Маккейн Обамани танқид қилар экан, у Иллинойс штатининг сенатдаги вакили сифатида солиқлар оширилиши учун деярли юз марта овоз берганини таъкидламоқда.



Сешанба куни Германиянинг Нюрнберг шаҳридаги клиникалардан бирида даволанаётган машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов 79 ёшида вафот этди.



Буюк адиб вафот этди

Адибнинг «Жамила», «Биринчи муаллим», «Али-до, Гулсари», «Оқ кема», «Асрга татиғулик кун», «Кассандра тамғаси» сингари қисса ва романлари бугунги кунда жаҳон адабиётининг олтин хазинасидан жой олган, кўплаб тилларга таржима қилинган.

Қизғин ижтимоий фаолиятига қарамасдан унинг учун энг муҳими ижод эди. Матбуотга берган охириги интервьюларидан бирида Айтматов ҳадемай ватанига қайтиш ва ўзини фарзандлари, набиралари ва ижодга бағишлаш умидида эканлигини айтган эди.

Ишонмагин итингга...

«Токионинг «Нарита» аэропортида авиайўловчи маҳаллий божхоначилардан қутилмаган «совга» олди», — деб ёздади «Lenta.ru».

Гап шундаки, япон божхоначилари исковуч итнинг ишончлилигини текшириш учун эндигина кўниб, божхона текширувидан ўтаётган йўловчилардан бирига тегишли чамадоннинг ён чўнтагига 142 грамм марихуана жойланган пакетни солиб қўйишади. Бироқ ит наркотик моддани тополмайди. Божхона офицери эса айнан қайси чамадонга марихуана солганини унутиб қўяди.

«Совга»дан беҳабар йўловчи эса чамадонини олиб, аэропортдан чиқиб кетган.

Божхона ходимлари ушбу ходисадан ғоятда таассуфда эканликларини билдириб, марихуана топиб олган киши зудлик билан бу ҳақда хабар беришини илтимос қилишди.

Интернет материаллари асосида Хасан НИШОНОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари жамоаси Бош муҳаррир Абдуҳолик Абдураззоқовга волидаи муҳтарамаси

МУКАРРАМА аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюмаси Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси тармоқ касаба уюмаси Яққабог туман кенгашининг раиси Шовруқ Норқобилловга падари бузруквори

НОРҚОБИЛ бобонинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши жамоаси ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Вакиллиги «Қорақалпоқавтотўл» йўл қурилиш ҳудудий шўба ташкилотининг собиқ директори

Жалдас ЖАЛДАСОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қўлига нима етсин

Ярим кечаси милиция булимида телефон жиринглади:
 — Машинам рули ва тормоз педалларини уғирлаб кетишипти. Ёрдам беринг.
 — Хотиржам булинг, ҳозир етиб борамиз.
 Навбатчи офицер отланишга буйруқ бериб улгурмай яна кунгироқ булди:
 — Кечирасиз, орқа эшигидан кирган эканман. Ҳаммаси жойида экан...


Тиқилинч автобусда бир аскар утириб олиб, атрофдагиларга эътибор бермай кетмоқда. Шу вақт унинг ёнида тик турган эркак дебди:
 — Наҳотки армияда аёлларга жой бериш лозимлигини ургатмаган булишса.
 Аскар урнидан турибди ва қизарганча дебди:
 — Кечирасиз, мен сизни эркак деб уйлабман...

— Тартиб-интизом ва тозаллик — ходимларимизнинг энг асосий шiori булиши керак. — дебди иш сураб келган йигитга корхона бошлиғи. — Масалан, сиз бу ерга киришдан аввал оёғингизни ардингизми?
 — Ҳа, албатта!
 — Иккинчидан, биз учун тозаликдан ҳам муҳим жиҳат — ростгуйлик. Ахир, корхонамиз эшиги олдида пол латта йуқ-ку?!

Эшик тақиллади. Болакай очди. Остонада муаллима турарди.
 — Ойинг қани?
 — Йуқ.
 — Даданг-чи?
 — Уям беркиниб олди.



— Банкоматни бузиб, пул олиш учун хакер қандай йул тутади.
 — Қўлига болга ва ноутбукни олади-да, кейин банкоматга келиб, уни болга билан бузади ва пулларни олади.
 — Ие, унда ноутбук нега керак?
 — Ноутбуксиз хакер — хакерми?!
 Талаба имтиҳонда. Домла савол берапти:
 — Хуш, беш карра беш.
 Талаба қўли остидаги шпаргалкага қараб:
 — Йигирма беш!
 Домла ҳам қўли остидаги шпаргалкага қараб:
 — Тугри! Олти карра олти.
 Талаба яна шпаргалкага қараб:
 — Уттиз олти!
 Домла ҳам шпаргалкага қараб:
 — Тугри! Етти карра етти.
 Талаба энди шпаргалкага қарамоқчи булганда домла унинг қўлини ушлаб қолди. Талаба уйланиб:
 — Қирқ етти, — деди.
 Домла энди шпаргалкасига қарамоқчи эди талаба ҳам унинг қўлидан ушлаб олди. Домла:
 — Тугри...



Бир куни ДАН инспектори қизил чирокдан утган ҳайдовчини тухтатди:
 — Уртоқ ҳайдовчи сиз қизил чирокдан утиб кетдингиз...
 — Биласизми, ичган пайтимда қизил билан кук чирокнинг фарқига бормайман..
 Шунда инспектор ҳайдовчини бошлиғи олдига олиб бориб:
 — Бу ҳайдовчи ичиб олган, — дебди...
 Текшириб қуришибди. Аммо ҳайдовчи ичмаган экан. Шунда ҳайдовчи:
 — Ҳали бу инспектор мени қизил чирокда утди ҳам деб айтар, — деган экан.



КҲИ
 Ҳафта бошиданок маблагингиз кўпайишига сабаб бўладиган буюк режалар сизга тинчлик бермайди. Жума ва шанба кунлари ортиқча ваъда бериб юборишдан тийилинг. Дам олиш кунлари хонадонингиздаги меbel жиҳозлари жойини ўзгартириш фикри туғилса, дарҳол ишга киришинг.

БҲЗ
 Иккинчигизни ўзгартиринг. Ёз фаслига мос келадиган енгил кийимлар харид қилиш вақти келди. Сизни қутилмаган совғалар кутмоқда. Дам олиш кунлари уйда ўтиргандан кўра, сафарга чиқиб, табиатдан баҳра олишни маслаҳат берамиз. Спорт билан шуғулланинг.

ЭҲЗ
 Ҳафта хизмат сафарларига чиқиш, шартномалар имзолаш, кўмас мулк сотиб олиш учун жуда қулай. Уй-жой таъмирлаш ишларини мутахассис билан маслаҳатлашиб бошлаган маъқул. Дам олиш кунлари бўш вақтингизни оилангизга бағишланг.

ҚҲЗ
 Муҳаббат бобида ёқимли лаҳзалар сизни доводиратиб қўямасин. Ақл билан иш тутсангиз хатога йўл қўймайсиз. Соғлигингизга бепарқ бўлманг. Шифокор кўрсатмаларини тўлиқ бажаринг. Ҳар бир ишни ўз имкониятингиздан келиб чиққан ҳолда амалга оширинг.

АҲЗ
 Узоқ айриликдан сўнг бўладиган учрашув сизга боғалик даврингизни эслатади. Расмий доридора бўладиган учрашувларга келиб юрманг. Бу иш фаолиятингизга салбий таъсир қилиши мумкин. Ҳафта охирида фарзандларингиз билан табиат қўйида миришиб дам оласиз.

ИҲЗ
 Янги сила қуриш истагингизни яқинларингиз қўллаб-қувватлайдилар. Сешанба куни йирик молиявий тақлиф тушади. Бироқ, чуқур мулоҳаза қилиб, сўнг қарор чиқарганингиз маъқул. Тадбиркорлик фаолиятингиз янада самара беради. Натикада, даромадингиз ҳам ошади.

ТҲЗ
 Фарзандлар тарбияси билан жиддийроқ шуғулланинг. Шайхий ҳаётингиз билан боғлиқ муаммоларни ҳал этасиз. Оилангизда янги меҳмон дунёга келиши мумкин. Рафиқангиз кўнглини кўтаришга ҳаракат қилинг. Дам олиш кунларини яқинларингиз дивариде ўтказинг.

ЧҲЗ
 Уйлаб юрган режаларингизни амалга ошириш учун иқтидор ва билимингизни амалда қўллаш вақти келди. Пайшанба ва жума кунлари соғлигингизга эҳтиёт бўлинг. Зиддиятли ҳодисалар юз беришингиз олдининг олдинг. Бўш вақтингизни клубонда ўтказинг.

УҲЗ
 Ўз истеъдод ва маҳоратингизни намойиш этиш вақти келди. Ҳафта давомида ўтган ойдан қолиб кетган ташвишлардан ҳам қутуласиз. Дам олиш кунлари янги режалар туғилиши кутилмоқда. Гузаллик салонларига ташриф буюринг. Соч турмагингизни ўзгартиринг.

ДҲЗ
 Душанба куни дўстларингиздан янги хабар эшитасиз. Иш юзасидан бўладиган тақлифларга асло рози бўлманг, чунки сиз учун зарарли бўлиши мумкин. Муаммоларингизни яқин ҳолда ечишга ҳаракат қилинг. Дўстларингиз кўмағига таянинг. Ота-онангизни эиберат қилинг.

КҲЗ
 Соғлигингиз ёмонлашганини ҳис этсангиз парҳез ушланг. Дам олиш кунлари шахсий автомобил ёки компьютер харид қилиш учун омадли бўлади. Яқинбада шаҳар ташқарисига чиқиб, кунни мазмунли ўтказинг. Харид қилиш учун ҳафта жуда омадли келади.

БҲЗ
 Яқин кийингиз сиз учун қутилмаган совға таъёрламоқда. Танқиддан тугри хулоса чиқаришга ҳаракат қилинг. Камчиликлар устида кўпроқ ишланг. Ҳафта ўртасида мақтов эшитилингиз, ҳатто мукофот олишингиз мумкин. Шейпинг, фитнес клубларга фарзандларингиз билан борсангиз соғлом бўласиз.

Изоҳи сиздан...



Мера жиппа
 ҲиндиSTONE,
 Япония кетяппане.
 Йўл олис, ҳам сувлик,
 Энди не қилсам экан-е?
Рустам САТТОРОВ,
 Наманган шахри

Европага отланди «Футбол чемпионатин
Горилла таёқ олиб, Мазза қилиб кўрайин.
Елкада хуржун халта, Ҳакам майдонга қўйса,
Ичига тўпин солиб. Финалда гол урайин».
Шухрат ХАЛИЛОВ,
Навоий шахри

Қармоқ ташлаб елкага,
«Орол» ни кўп излабман.
Минг афсуски, мен унинг
Қуриганин сезмабман.
Асадулла МИРЗААКБАРОВ,
«Ҳамкорбанк» ОАТБ
бирлашган касаб
уюшмалари
кўмитасининг раиси



Энди наватдаги суратга изоҳ топинг-чи?

Ishonch МУАССИС: Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси	Бош муҳаррир Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ Таҳрир хайъати: Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев	Бизга кўнгирак қилинг: Котибият: 256-52-78 Хатлар бўлими: 256-85-43 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақим билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.	Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй, Нашр курсаткичи: 133; 134 «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашрингиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар Д белгиси остида чоп этилади.	Навбатчи котиб - Ж. Шарофбоев Навбатчи - А. Абдиев Мусоҳиҳ - Н. Маханов Саҳифаловчи-дизайнер: Х. Абдужалолов Буюртма Г- 514 Тиражи: 17421 Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 23.10 Сотувда эркин нархда 1 2 3 4 5 7 8
	E-mail: ishonch-doverie@mail.ru				